БУГУНГИ СОНДА:

Жайҳун ноҳиясида 7400 гектардан зиёд майдонга такрорий экин экилган 3

Испаниядаги террорчилик амалиётлари 15 кишининг ёстиғини қуритди 6

1 сентябрда янги ўқув йили бошланади. Ота-оналар дуч келаётган муаммолар 8







# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 34 (20038)
2017 йил 24 август.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган

> Байрам барчамиз учун хурсандчилик ва кўнгилхушлик куни саналади. Айниқса, ўзига тўқ ва бадавлат кишилар ушбу хурсандчиликларга етимлар, ногиронлар, эҳтиёжмандлар ва камтаъминланган оилаларни ҳам шерик қилишлари керак.
>
> *Эмомали РАҲМОН*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИ ХАТЛОН ВИЛОЯТИДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

**16 август куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Бохтар ноҳиясига иш сафари якунига етганидан кейин, Вахш ноҳиясига ташриф буюрди. Бу ерда мамлакат Президенти тамал тошини қўйиб, Аграр коллежи қурилишини бошлаб берди.**

Мазкур бино лойиҳаси тақдимоти жараёнида Давлат бошлиғига унинг қиймати 38 миллион сомонийни ташкил қилиши ва 3000 нафар ўқувчига мўлжаллангани ҳақида хабар берилди.

Уч қаватли бўлиши кутилаётган мазкур иншоот кенг таълим синфхоналари, мажлислар зали, спорт майдончаси ва бошқа ёрдамчи иншоотлардан иборат бўлади.

Шу билан бир вақтда, коллеж ёнида 400 киши учун тўрт қаватли ётоқхона қурилиши режалаштирилган. Бинонинг умумий майдони 8 минг квадрат метрни ташкил қилади.

Мамлакат Президенти тегишли масъул шахсларга ушбу таълим муассасаси қурилишини ўз вақтида ва сифатли якунлашга доир аниқ кўрсатма-ю топшириқлар берди.

Меҳнат бозори талаботига жавоб берувчи юқори малакали мутахассислар таълими ва тайёрланиши учун қулай шароит яратиш мақсадида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг бевосита қўллаб-қувватлашида бир қатор фойдали чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва ноҳияларида янги замонавий таълим муассасалари бунёд этилди.

Вахш ноҳияси Аграр коллежи қурилиши якунига етказилганидан кейин, мамлакатимизнинг ушбу аграр минтақаси учун соҳанинг тажрибали мутахассисларини тайёрлаш бўйича имкониятлар пайдо бўлади.



## Атлас ва адрас ишлаб чиқариш маркази

**Вахш шаҳарча жамоатининг Исмоил Сомоний кўчасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон атлас ва адрас ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш-таълим маркази ҳамда савдо маркази фаолиятини расман бошлаб берди. Миллат пешвоси марказда яратилган шароитлар билан танишиб, масъул шахслар ва ҳунар ўрганувчилар билан суҳбат ўтказди.**

Мазкур марказ сўнгги бир йил мобайнида маҳаллий тадбиркор Зоҳир Давлатов томонидан қурилган бўлиб, атлас ва адрас ишлаб чиқариш бўйича тўқимачилик ҳунарини ўргатиш учун барча имкониятларга эга. Масъул шахслар берган маълумотга кўра, айни пайтда мазкур устахонада 25 нафар маҳаллий хотин-қизлар иш билан таъминланган бўлиб, шу билан бирга, ёшларнинг бошқа гуруҳи ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қисқа муддатли махсус курсларда машғулдирлар. Бундан ташқари режага биноан, ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ишсиз хотин-қизлардан хоҳловчилар ҳар уч ойда мазкур марказда бепул касбий таълим олишлари мумкин.

Давлат бошлиғига маълум қилинганидек, устахонанинг иккинчи қаватида мазкур марказ маҳсулотлари ва турли форматдаги гиламлар сотуви йўлга қўйилган бўлиб, бу ноҳия аҳолисига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли маҳсулотини қўлга киритиш имконини беради.

Номи зикр этилган тадбиркор томонидан ишлаб-таълим чиқариш маркази ёнида савдо маркази ҳам фойдаланишга топширилди.

2

## Тожикистон - дунёда тўртинчи

Британиянинг машҳур "Wanderlust" журнали сайёҳлик визасини олиш осон бўлган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Соддалаштирилган виза олиш жараёни бешталигидан Тожикистон тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.



Рейтингнинг биринчи ўрнида Озарбайжон. Ундан кейин Камбоджа, Шри-Ланка ва Тожикистон турибди. Виза олиш энг осон бўлган мамлакатлар бешталиги рўйхатини Ветнам ёпади.

Рейтинг муаллифлари ўтган йили Тожикистонда ариза бериш жараёнини соддалаштирувчи электрон виза берилиши жорий этилганини таъкидлашади. Ариза бериш учун хорижий паспорт нусхасини жўнатишнинг ўзи кифоя. Виза 1-3 кун ичида берилади. Визани чоп қилиш ва сафар давомида ўзингиз билан олиб юриш қолади, холос.

## Енгиллик бахш этувчи қонун




Тожикистон Республикаси Миллий кутубхонаси директори ўринбосари Салима Ражабова Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонунини ҳаётни тартибга солувчи ва халқ тафаккурини ижобий ўзгартирувчи ҳисоблаб, унга риоя этилишини, нафақат, мансабдорлар, балки Тожикистоннинг ҳар бир фуқароси томонидан зарурий, деб билади.

У бу қонунга ўзгартишу қўшимчалар киритиш шарҳига доир шундай дейди: -Қонун ҳаётни тартибга солувчи ва халқ тафаккурини ижобий ўзгартирувчи воситадир. Зеро, то шу пайтгача халқ ҳаётига кириб келган маданиятга бегона маъракалар халқни ўз ҳаётини яхшилаш учун эмас, балки бегона кишиларни ўйлашга ундарди. Ҳозир қонун халққа енгиллик келтирди. Оила бошига тушган мусибат аччиқ бўлиши билан бир қаторда, яна уч, етти, йигирма, қирқ ва бошқа маъракалари билан халқ мушкулини икки баравар оширарди. Халқнинг ўз қавлича "мурдани қўйиб, тутхўрлик қилишарди". Бу қонун ўз татбиқи билан тожик миллатини хурофоту бегонапарастлик занжиридан бўшатиб, халқнинг мушкулини осон қилади.

## Халқ ҳунармандлари фестивали

Ишкошим ноҳияси марказида халқ ҳунармандларининг фестивали ўтказилиб, унда халқ табиблари, косиблару тўқувчилар, этнографик ансамбллар, миллий урфу одат ва расму русумлар донишмандлари иштирок этишди. Фестивал жарроҳ ва халқ табиби Ширинбек Давлатмамадов раҳбарлигидаги "Гулу гиёҳ" жамият ташкилоти ташаббуси билан ўтказилди. Бу халқ табибининг айтишича, фестивални ўтказишдан мақсад Бадахшон табиий ва маданий меросини қайта жонлантиришдан иборат. Ишкошим ноҳияси қишлоқларида косиблару тўқувчилар кўп бўлиб, аждодлар ҳунарларини унутишмаган ва маҳаллий маҳсулотлардан рўзғор учун турли ашёларни ясашади. Аммо узоқ қишлоқларда яшаганликлари боис, уларнинг ҳунар маҳсуллари халқ назаридан четда қолади. Шунингдек, бу ноҳиянинг дара ва тоғларида 200дан зиёд шифобахш гулу гиёҳлар ўсиб, халқ табиблари улардан экологик жиҳатдан тоза дори-дармон воситалари тайёрлашади. Аммо ҳамма ҳам бу қишлоққа сафар қилишнинг имконига эга эмас.



"Гулу гиёҳ" ташкилоти ноҳия марказида мазкур ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотувга чиқаришлари учун дўкон очишни ният қилган.




## Суғд вилоятида маданият ҳафтаси

Суғд вилоятида Тоғли Бадахшон мухтор вилоятининг маданият ҳафталиги бошланган бўлиб, 26 августгача давом этади.



Суғд вилояти раиси матбуот хизматидан хабар беришларича, меҳмонлар - ТБМВ маданият ҳафтаси иштирокчиларини давлат ҳокимияти Суғд вилояти ижроия органи намояндалари ва Айний ноҳияси аҳолиси хурсандчилик билан кутиб олишди.

Меҳмонлар учун Айний ноҳияси маданият қасрида маданий дастур намойиш қилинди. Суғд вилояти раисининг биринчи ўринбосари Рустам Раҳматзода ТБМВ маданият ҳафталигининг барча иштирокчиларини илиқ кутиб олди.

Маданият ҳафтаси доирасида ТБМВ меҳмонлари (800дан зиёд киши) тўрт гуруҳ таркибида Хўжанд, Панжакент, Истаравшан, Исфара, Ж.Расулов каби шаҳру ноҳияларга боришиб, диққатга сазовор жойлар ва шимолий Тожикистон фуқароларининг турмуш тарзи билан танишишади.

## Ускуналар ва технологиялар кўргазмаси

Жорий йилнинг 13-15 сентябр кунлари Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида CAITME-2017 тўқимачилик ускуналари ва технологиялари XI халқаро кўргазмаси ўтказилади.

CAITME
CENTRAL ASIAN INTERNATIONAL TEXTILE MACHINERY EXHIBITION

Тожикистон Республикаси Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, кўргазмада Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Тожикистондан ҳам тўқимачилик компаниялари ва корхоналари иштирок этишлари кутилмоқда. Кўргазманинг асосий мақсади тўқимачилик соҳасини ривожлантириш, тўқимачилик компаниялари ўртасида ҳамкорликларни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришга замонавий тўқимачилик ускуналари ва технологияларини жорий қилишдан иборат.

## Миллий либослар - аёлларимиз кўрки

Кўлоб шаҳрида миллий либослар кўргазмаси ўтказилди.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Хотин-қизлар ва оила ишлари комитетидан хабар беришларича, мазкур фестивал давлат ҳокимияти Кўлоб шаҳри ижроия органи Хотин-қизлар ва оила ишлари бўлими ташаббуси билан ўтказилган.



Фестивал чоғида аёллару ёш қизлар замонавий кўринишга эга бўлган турли миллий кийимларни кийиб чиқишиб, унинг гўзаллиги, шинамлиги, тожик миллатининг маданиятига мувофиқлигини намойиш қилишди.

## Ривожлантириш ва жорий этиш кенгаши

Душанбе шаҳри раиси аппарати қошида янги технологияларни ривожлантириш ва жорий этиш бўйича консултатив кенгаш ташкил қилинди.



Душанбе шаҳри раиси аппаратининг ахборот ва халқаро алоқалар бошқармасидан хабар беришларича, тегишли қарор Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали томонидан имзоланган. Кенгаш замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, янги техник шароитларда ахборот-коммуникацион технологияларни яратиш орқали давлат ҳокимияти шаҳар ижроия органи фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг муассаса ва тузилмаларига ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган.

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

1

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИ ХАТЛОН ВИЛОЯТИДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ



Мазкур марказ Хатлон вилояти Вахш ноҳияси аҳолиси ва меҳмонларига турли хил озиқ-овқат ва кунлик талаботдаги бошқа маҳсулотларни арзон нархда таклиф этади.

Танишув чоғида Миллат пешвоси маҳаллий тадбиркорларнинг бундай бунёдкорона ташаббусларини ибрат намунаси ва қўллаб-қувватлашга муносиб, дея атади.

## Лаёқатли болалар учун таълим муассасаси

**Хатлон вилоятининг шаҳар ва ноҳияларига иш сафари доирасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Вахш ноҳиясидаги янги таъмирдан чиқарилган лаёқатли болалар учун 56-ўрта умумтаълим муассасасида ҳам бўлиб таълим шароитлари билан танишди.**

Мактабда икки сменада 1100 ўқувчи таҳсил олади. Таълим муассасаси 30та синфхона ва ўқитувчилар иш кабинетларидан иборат.

56-таълим муассасаси биноси талаботга тўлиқ жавоб бермасди. Унинг аксарият синфхоналари авария ҳолатида эди. Мактаб эшиклари, деворлари, поли ва шифтлари таъмирталаб эди. Ноҳия тадбиркорлари шуни ҳисобга олган ҳолда, капитал таъмирни амалга ошириш ва ноҳия аҳолиси фарзандлари учун таълимнинг қулай шароитини яратишга қарор қилишди.

Таълим муассасасига Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Хотин-қизлар ва оила комитети томонидан қизлар тикувчилик ишини ўрганишлари учун 10та тикув машинаси совға қилинди.

Мазкур муассасада таълим шароитлари билан танишувдан кейин, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон 330 нафар ногирон ва ота-онасиз қолган болаларга Тожикистон Республикаси Президенти Захира фонди ҳисобидан 500 минг сомоний ҳажмида, жумладан, ногиронлар аравачаси, велосипедлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликлар ва молиявий ёрдам кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, Давлат бошлиғи аҳолининг эҳтиёжманд қатламига бундай моддий ва маънавий мунтазам ёрдам бериб келади ва бу уларнинг ижтимоий даражаси яхшиланишига ҳисса қўшади.

## Деҳқон хўжаликлари фаолияти билан танишув

**Вахш ноҳиясида Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон деҳқон хўжаликлари фаолияти ва ушбу ноҳия деҳқонларининг ютуқлари билан танишди.**

Вахш ноҳиясининг Рўдакий номли қишлоқ жамоатида Давлат бошлиғи дастлаб "Мажид" деҳқон хўжалигига ташриф буюрди. Маълум бўлишича, мазкур хўжалик фаолиятининг асосий йўналишини токпарварлик ташкил қилади. Хўжалик токзорлари умумий майдони 1,2 гектарни ташкил қилиб, бу ерда узумнинг турли нави, жумладан, ҳусайни ва ҳафизи (ғалаба) етиштирилади.

Ўтган йили хўжалик токпарварлари 17 тоннадан зиёд юқори сифатли ҳосил олишган. Жорий йилда токлар яхши ривожланаётгани сабабли, хўжалик меҳнаткашлари 25 тоннагача ҳосил олишни ният қилишган.

Миллат пешвоси учрашув чоғида Тожикистонда узумнинг кўп тури етиштирилиши ва уларнинг ҳар бири ўзгача мазага эга эканлигини таъкидлади.

Мамлакат Президенти "Шукрона-2013" деҳқон хўжалигининг фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу хўжалик ихтиёрида 0,45 гектар суғориладиган ер бўлиб, унинг ҳар бир участкасидан самарали фойдаланилади. Жумладан, жорий йил деҳқонлар бу майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан буғдой ҳосили олишнинг уддасидан чиқишди. Такрорий экин учун деҳқонлар мош, беда ва чорва озуқаси учун маккажўхори экишди. Вахш ноҳиясида ердан самарали фойдаланиш, икки ва ундан кўп ҳосил олиш мақсадида 7667 гектар майдонда такрорий экин амалга оширилган.

Миллат пешвоси деҳқонлар фаолиятидан қониқиш билдирар экан, заҳматли меҳнат ўз самарасини беришини, деҳқон ўзининг ҳалол меҳнати билан ўз ҳаётини яхшилабгина қолмасдан, балки республика барча аҳолисининг дастурхонини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашини таъкидлади.

Рўдакий қишлоқ жамоатида Давлат бошлиғи халқ хўжалиги кўргазмасига ташриф буюрди. Кўргазмада Вахш ноҳияси барча деҳқон хўжаликлари маҳсулотлари намойишга қўйилди. Ноҳиянинг моҳир аёллари томонидан нон маҳсулотлари ва миллий таомларнинг турли хили кўргазмага кўрк бағишлади.

Давлат бошлиғи ноҳия деҳқонлари фаолиятига юқори баҳо берар экан, ернинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш, янги боғлар барпо этиш, пахта ва бошқа экинлар майдонларини кенгайтириш ҳамда экспорт маҳсулотлари ҳажмини оширишга доир аниқ топшириғу кўрсатмалар берди.

## Соғломлаштириш маркази қурилиши бошланди

**Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Вахш ноҳиясининг Тожикистон мустақиллигининг 20 йиллиги қишлоқ жамоатида Исмоил Сомоний номли соғломлаштириш тиббий маркази қурилиши учун тамал тошини қўйиб, шу ернинг ўзида ноҳия аҳолиси ва фаоллари билан самимий, яратувчанлик руҳидаги суҳбат ўтказди.**

Соғломлаштириш маркази қурилиши маҳаллий тадбиркор, уруғчилик ва зотчилик деҳқон хўжалиги раҳбари Қурбонали Юсупов томонидан Миллат пешвосининг жамиятни соғломлаштириш, аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланишини осонлаштириш борасидаги тавсиялари асосида амалга оширилаётган бўлиб, бир йил мобайнида ниҳоясига етказилади.

Ватанпарвар тадбиркорнинг Давлат бошлиғига хабар беришича, аҳолининг яхши тиббий хизматдан фойдаланишини осонлаштириш ва аҳоли ижтимоий муаммолари ҳал этилишига ёрдамлашиш мақсадида янги соғломлаштириш марказида фуқароларга бепул хизмат кўрсатилади.

Марказ биноси тўрт қаватли бўлиб, тўлиқ фойдаланишга топширилганидан кейин 60дан зиёд киши доимий иш жойи билан таъминланади.

Биринчидан тўртинчи қаватгача 25та таълим синфхонаси, 15та иш кабинети, беморлар учун 70та каравот, ётоқхона ва мажлислар зали бўлади.

Мамлакат Президенти бунёдкор, ватанпарвар, ташаббускор тадбиркорларга миннатдорчилик билдириб, уларга ушбу шарафли ишларида муваффақиятлар тилади.

*"Ховар" ТМАА.*

# ВАХШ - ОЛТИН ВОДИЙ, ХИЗР НАЗАР ҚИЛГАН ЮРТ

## Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Вахш ноҳияси раҳбарияти, фаоллари ва аҳолиси билан учрашувда сўзлаган нутқи

*16 август 2017 йил.*

**Азиз ватандошлар!**

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Сиз, Вахш ноҳиясининг олижаноб ва мустаҳкам иродали аҳолиси билан бугунги учрашувимиз ҳар биримиз учун муқаддас бўлган байрам - азиз Тожикистонимиз давлат мустақиллигининг йигирма олтинчи йиллигига бағишлангани жуда рамзийдир.

Сўнгги йилларда давлат ва мамлакат Ҳукуматининг яратувчанлик сиёсати натижасида Хатлон вилоятининг барча шаҳар ва ноҳиялари, жумладан, Вахш ноҳиясининг ҳам устувор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти таъминланди. Ҳаммасидан муҳими, аста-секинлик билан якуний мақсадимиз, яъни халқимиз турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга эришаяпмиз.

Жорий йил Хатлон вилоятининг шаҳар ва ноҳиялари, жумладан, Балжувон, Қабодиён, Шаҳритуз, Носир Хусрав, Хуросон, Бохтар ва Абдураҳмон Жомий ноҳияларига иш сафарларим жараёнида улар ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли турмуш шароити, ободончилик ва бунёдкорлик ишлари миқёси билан танишув чоғида вилоят, жумладан, Вахш ноҳиясининг ҳалол ва ор-номусли халқи юксак ишлаб чиқариш ютуқларига эришиш, шаҳар ва ноҳияларни ободонлаштириш, ўз ҳаёт шароитларини янада кўпроқ яхшилаш йўлида садоқат билан меҳнат қилаётганликларига ишонч пайдо бўлди.

Давлат бошлиғининг ўтган йилги Паёмида мамлакат келгусидаги тараққиётини таъминлаш, ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврларда халқ ҳаёт даражасини сифатли юксалтириш учун Тожикистон Республикасининг 2030 йилгача давр учун миллий тараққиёт стратегияси қабул қилингани ҳамда унинг асосида ҳар йили 100 минг иш ўрни яратиш, ички ялпи маҳсулот ҳажмини уч баравар ошириш, хорижий сармоялар улушини беш карра ва ўртача даромадга эга аҳоли улушини 22дан 50 фоизга ошириш назарда тутилгани эслатиб ўтилганди.

Ишлаб чиқилган режани амалга татбиқ этиш мақсадида шаҳар ва ноҳияларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга доир давлат ёрдами ва молиялаштириши, аҳоли фаолияти учун қулай шароитларни яратиш йилдан-йилга яхшиланмоқда.

Мисол учун, сўнгги 10 йил мобайнида Вахш ноҳияси тараққиёти учун давлат бюджетидан 475 миллион сомоний сарфланган.

Мамлакат Ҳукумати тадбиркорлик ва сармояларга тараққиётнинг муҳим омили ва мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг йўли сифатида алоҳида эътибор қаратган ҳолда, бу жараён чоғида 15та давлат сармоявий лойиҳаси доирасида Вахш ноҳияси қишлоқ хўжалиги, энергетика, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳалари тараққиёти учун 220 миллион сомоний маблағ ажратди.

2013 йили Президент Ижроия аппарати ҳукумат иншоотлари қурилиши бўйича дирекцияси томонидан ноҳиянинг 6 километр ички автомобил йўли 10 миллион сомоний маблағ ҳисобига таъмирдан чиқарилди ва қайта тикланди.

Вахш ноҳияси мамлакатимизнинг йирик қишлоқ хўжалиги ноҳияларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бугун биз ноҳия марказида Хатлон вилояти Аграр коллежи қурилишини бошлаб бериб, ноҳия раҳбарияти ва масъул шахсларига номи зикр этилган муассаса имкон қадар тезроқ вилоят аграр соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва хўжаликларни малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳал этилишига ўз ҳиссасини қўшиши учун уни тез орада қуриб битказиш борасида кўрсатмалар бердик.

Айни пайтда Вахш ноҳияси 2016-2020 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурини ҳаётга татбиқ этиш давом этаётган бўлиб, унинг асосида 240 миллион сомоний маблағга ноҳия маркази ва қишлоқларини ободонлаштириш ва ривожлантириш учун 169та лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган.

Дастур ижроси таҳлилининг кўрсатишича, фақатгина ўтган йилда 28та лойиҳа амалга татбиқ этилган, дастур ижроси суръати, даражаси ва сифатини янада яхшилаш зарур.



Шунга боғлиқ ҳолда, Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирлигига мамлакат шаҳар ва ноҳиялари тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилишида сармоявий лойиҳалар биринчилиги даражаси, шаҳар ва ноҳиялар тараққиёт дастурларини мамлакат тараққиёти биринчи даражали мақсадлари, миллий ва соҳавий стратегиялару дастурлар билан мувофиқлаштириш масаласига жиддий эътибор бериш зарурлигини эслатаман.

Бу вазиятда шаҳар ва ноҳиялар тараққиёти билан боғлиқ масалалар улар захиралари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ қамраб олиниб, лойиҳалар молиялаштирилиши, уларнинг сифатли ва ўз вақтида ижроси таъминланади.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Ўтган йили ноҳиянинг тажрибали деҳқонлари қулай иқлим, ҳосилдор ерлар, полиз экинлари учун мўл сув захиралари ва бошқа имкониятлардан фойдаланган ҳолда, 733 миллион сомонийлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткични 202 миллион сомонийга етказишди.

Ер ва сув захираларидан унумли фойдаланиш, ташландиқ ерлар майдонларини камайтириш, ташландиқ ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига қайтариш, улар мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали ноҳия деҳқонлари бундан кейин ҳам янада кўпроқ натижага эришишлари ва қишлоқ хўжалиги тараққиётини ҳар йили 10-12 фоизга ошириб боришлари мумкин.

Бироқ таҳлилларга кўра, ўтган йили ва жорий йилнинг биринчи ярмида ноҳиянинг кенг имкониятларига қарамасдан, алоҳида маҳсулотлар тури ҳажми камайган. Мисол учун, пахта майдони 380 ва картошка 260 гектарга камайган.

Жорий йилнинг баҳор ва ёз мавсумларида картошкага эҳтиёж ошиб, унинг нархи кескин кўтарилган шароитда маҳсулотнинг бу тури ишлаб чиқарилиши Вахш ноҳиясида 24 фоизга камайган.

Пахтачилик ноҳия фаолиятининг асосий соҳаларидан бири саналиб, агротехник ишларни тўғри олиб бориш ва ер ҳосилдорлигини ошириш орқали яхши даромад олиб, енгил саноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш мумкин. Пахтачилик ҳам иш жойлари яхши манбасига айланиши мумкин.

Бироқ расмий статистикага биноан, Хатлон вилоятида пахта ҳосилдорлиги ўртача гектаридан 17 центнерни ташкил қилади ва бу ҳолат ташвишланарлидир. Аввалги йилларда Вахш ноҳияси етакчи пахтакор минтақа саналиб, ўзининг ҳақиқий деҳқонлари билан танилган эди. Вахшни бежизга олтин водий, дейишмайди.

Шундан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Хатлон вилояти ва Вахш ноҳияси раҳбарияти, мутахассислари аграр хўжаликларни моддий рағбатлантириш, юқори сифатли уруғлар билан таъминлаш йўлу усуллари воситасида пахтачилик соҳаси тараққиётини таъминлашлари зарур.

Таъкидлаш жоизки, Вахш ноҳиясида даромадли соҳа ҳисобланадиган токпарварлик ва чорвачилик имкониятларидан самарасиз фойдаланилмоқда.

Бироқ маълумотларга кўра, ноҳиянинг 1000 гектарга яқин ери қониқарсиз мелиоратив ҳолатда бўлиб, 900 гектар экиладиган сувлик ери ташландиқ ерга айланган.

Агар бундай ерлар ўз вақтида қишлоқ хўжалиги оборотига киритилса ва қишлоқ хўжалиги экинлари экилса, 40 минг тоннага яқин маҳсулот олиш ва 4 мингдан зиёд кишини иш жойи билан таъминлаш мумкин.

Шунинг учун, ноҳия раҳбарияти ва масъул шахслари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер бошқаруви ва геодезия давлат комитети, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, Мелиорация ва ирригация агентлиги билан биргаликда зикр этилган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги оборотига қайтариш, Баракат ва Оқгаза минтақаларида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда боғлар ва токзорлар майдонини кенгайтириш, юқори сифатли уруғдан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилишлари зарур.

Шунингдек, иссиқхоналар майдонларини кенгайтириш, музхоналар ташкил қилиш, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун имкониятларни излаш керак.

Вахш ноҳияси саноатни ривожлантириш, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, мева ва сабзавотлар, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, янги иш жойлари яратиш учун кенг захира-ю имкониятларга эга. Бироқ маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида 17та саноат корхонасидан 11таси ўз фаолиятини тўлиқ тўхтатган бўлиб, бундай вазият мамлакат саноат соҳасини ривожлантириш стратегияси талабларига жавоб бера олмайди ҳамда жиддий чоралар қабул қилинишини тақозо этади.

Зеро, мамлакат Ҳукуматининг стратегик ҳужжатларида унинг келгусидаги тараққиётини аграр-саноат тизимидан тараққиётнинг саноат-аграр усулига ўтиш учун шароит яратишда кўрамиз.

Шу сабабли, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари Саноат ва янги технологиялар, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, Маҳаллий ривожланиш комитети билан биргаликда шу вақтгача талаб қилинмаган захира ва имкониятлар ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш, янги корхоналар, қўшимча иш жойлари ташкил қилиш ва рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўналтиришлари зарур.

Мамлакат Ҳукумати ўсиб келаётган ёш авлод таълим ва тарбияси шароитини яхшилаш, маориф соҳаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда мактаблару қўшимча синфхоналар қурилиши ва қайта тикланиши учун зарур барча чора-тадбирларни кўради.

Мустақиллик даврида Вахш ноҳиясида 30та янги бино ва 12 минг ўқувчи учун қўшимча синфхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилиши факти бундай ғамхўрликнинг натижасидир.

Бундан ташқари, Хатлон вилояти маориф соҳаси муассасаларини 2017-2021 йилларда ривожлантириш давлат дастури доирасида 36 миллион сомоний маблағга жамоатчилик жойлари, хусусий уйлар ва авария ҳолатидаги мактаблар ҳамда аҳоли сони ошиб бораётган янги қурилган шаҳарчалар ва қишлоқ жойларида таҳсил олаётган ўқувчилар учун 19та янги таълим муассасаси ва қўшимча синфхоналар, умуман, етти ярим минг ўқувчи ўрни, маориф бўлими биноси, қўшимча таълим ва ижодий ривожланиш маркази қурилиши назарда тутилган.

Шу сабабли, Маориф ва илм вазирлиги, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари таълим муассасалари қурилиши ва қайта тикланишининг йўриғини қаттиқ назорат остига олишга вазифадор этиладилар.

Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод ва ёшларнинг таълим-тарбияси сифатини юксалтириш, уларни ватанпарварлик, миллий қадриятлар ва муқаддасотларга эҳтиром руҳида тарбиялаш масаласига биринчи даражали эътибор қаратиш зарур.

Аҳоли саломатлигини яхшилаш, вилоят шаҳар ва ноҳиялари, жумладан, Вахш ноҳияси тиббий муассасалари самарали фаолиятини таъминлаш муҳим ижтимоий вазифалардан бири сифатида мамлакат Ҳукумати диққат марказида турибди.

Ўтган йили ушбу мақсадга давлат бюджетидан 13 миллион сомоний маблағ ажратилган бўлиб, бу 2006 йилга нисбатан 12 миллион сомоний ёки 13 баравар зиёддир.

Бундан ташқари, хорижий сармояларни жалб этиш орқали 12 миллион сомоний маблағга ноҳия марказий касалхонаси қайта тикланган ва яхши шароиту замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган.

Соҳанинг масъул шахслари тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, мавжуд муаммо ва мушкулликлар, жумладан, кадрлар етишмаслиги масаласини бартараф этиш учун имконият излашлари зарур.

Ўтган йилги Паёмимда қайд қилиб ўтганимдек, давлатнинг иккита муҳим соҳаси, яъни Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда Маориф ва илм вазирликларида ўн минглаб талаб қилинмаган иш жойлари мавжуд бўлиб, соҳанинг масъул шахслари, биринчи навбатда, маҳаллий ёшлар ва қизлар ҳисобидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун жиддий чора-тадбирлар қабул қилишлари керак.

Ноҳия раҳбарияти, фаоллари ва заҳматкаш халқи намояндалари иштирокидан фойдаланган ҳолда, сиз ва Тожикистоннинг барча халқига яна бир муҳим масалани қайд қилиб ўтишни истардим.

Бир неча кундан кейин халқимизнинг муқаддас диний байрамларидан бири ҳисобланган Қурбон ҳайити келади.

Байрам куни барчамиз учун хурсандчилик ва кўнгилхушлик куни саналади. Айниқса, ўзига тўқ ва бадавлат кишилар ушбу хурсандчиликларга етимлар, ногиронлар, эҳтиёжмандлар ва камтаъминланган оилаларни ҳам шерик қилишлари керак.

Қурбонлик қилиш ушбу байрамнинг суннатларидан бири ҳисобланади.

Бироқ, шариат аҳкоми ва ҳанафий мазҳаби фақиҳлари фатволарига кўра, бу амални қилиш яхши ҳаёт шароити ва етарлича моддий имкониятларга эга бўлган кишиларгагина жоизлигини унутмаслик керак.

Рўзғорида муаммоси бор, кўп фарзандли ёки бир неча киши қарамоғида бўлган шахсларга қурбонлик қилиш ва хайру садақа бериш дуруст эмас.

Аксинча, ўзига тўқ ва бадавлат кишилар биринчи навбатда, етимлар, ногиронлар, эҳтиёжмандлар ва камтаъминланганларга мурувват кўрсатиб ёрдам қўлини чўзишлари ва уларни хурсанд қилишлари керак.

Бу ҳақда Ислом пайғамбари ўзларининг кўпгина ҳадисларида таъкидлаганлар.

Бироқ кўп ҳолатларда алоҳида кишилар эҳтиёжмандлар ва камтаъминланган кишиларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, хурофот, исрофгарчилик, зоҳирпарастлик, тўкин дастурхон ясатиш тарафдори бўлишиб, уларнинг баъзилари ҳатто, ўз оиласи ризқидан қийиб, тўкин дастурхонлар ясатишаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу муқаддас Ислом динининг диний таълимотлари нуқтаи назаридан нотўғридир.

Байрам кунларида шундай фурсат бўладики, киши Худонинг назарида номаъқул бўлган исрофгарчилик ва зоҳирпарастлик эмас, балки эҳсон қилиш билан Худога ёқадиган амални ижро этишнинг уддасидан чиқиши мумкин.

Шунинг учун, мамлакатимизнинг хайру эҳсон қилиш, етимлар, ногиронлар, эҳтиёжмандлар, камтаъминланганлар, кўп фарзандли оилалар, қаровчисиз қолганларга ёрдам беришга интилувчи халқига исрофгарчиликлар, ортиқча сарф-харажатлар ва байрам дастурхонини тўй дастурхонига айлантиришдан қочишлари зарурлигини яна бир марта эслатаман.

Аксинча, агар гапим такрорланаётган бўлса ҳам, исрофгарчиликларга йўл қўйилган дастурхон ўрнига, маънавий дастурхон тузатишсин, яъни ўз фарзандларига насиҳат қилишсин, уларни тўғри йўл ва ҳаётий неъматлар қадрига етишга йўналтирсинлар, ота-оналари, беморлар ва эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиб, бошқа эзгу амалларга қўл уришлари зарурлигини эслатаман.

**Азиз юртдошлар!**

Дунёдаги вазият, айниқса, сўнгги йилларда борган сайин мураккаблашмоқда. Бугун Ўрта Шарқнинг бир нечта мамлакатлари ва дунёнинг бошқа минтақаларида радикал ва террорчи гуруҳлару ҳаракатлар фожиали амалларни содир этишиб, тинч аҳолининг хотиржамлиги, барқарорлиги ва хавфсизлигини жиддий бузишмоқда.

Халқимиз, жумладан, ушбу ноҳия ва Вахш водийси аҳолиси уюштирилган фуқаролик уруши даврида оғир ва даҳшатли кунларни бошидан ўтказган бўлиб, уни ҳеч қачон унутмайдилар. Ва бугун улар озод ва мустақил Ватан, осойишта мамлакат ва бахтли ҳаётга эга эканликларига шукрона қилишмоқда.

Вахш ноҳиясининг меҳнатсевар, ор-номусли халқи бундан кейин ҳам жамият ва давлат барқарорлиги-ю хотиржамлигини ҳимоялаш, азиз Ватанимиз - мустақил ва озод Тожикистоннинг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти йўлида икки баравар меҳнат қилишиб, давлатимиз қудрати янада мустаҳкамланиши ва республика аҳолисига ҳаётнинг яхши шароитларини яратишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига ишончим комил.

**Ушбу йўлда барчангизга саломатлик ва муваффақиятлар тилайман!**

**Ҳамиша бахтли ва омадли бўлинг!**

*"Ховар" ТМАА.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИНИНГ ЖАЙҲУН НОҲИЯСИГА ИШ САФАРИ

**17 август куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон халқ турмуш шароити, деҳқон хўжаликлари фаолияти билан танишиш, аҳоли билан учрашув ўтказиш учун Хатлон вилоятининг Жайҳун ноҳиясига ташриф буюрди.**

Жайҳун ноҳиясида мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон «Геран-2» янги 220\110\10 киловаттли подстанцияни фойдаланишга топширилиши маросимида қатнашди.

«Геран-2» подстанциясини бошқариш биноси замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, барча аппаратлар компютер технологияси воситасида назорат қилинади.

Жайҳун ноҳиясида мамлакат Президенти «Панж» Чегара отрядига тобе бўлган «Сомон» янги чегара кузатув пунктини фойдаланишга топшириш маросимида қатнашди.

Янги иншоот, жумладан, ҳарбий хизмат меъёрларига мувофиқ тарзда қурилган аскарлар казармаларига ташриф чоғида мамлакат Президенти, Тожикистон Республикаси Қуролли кучлари Бош олий қўмондони муҳтарам Эмомали Раҳмон бажарилган ишлар сифатини юқори баҳолар экан, масъул шахсларга аскарлар, айниқса, аскарликка янги даъват этилган ёшларнинг таълим ва тарбияси, Ватан чегараларини ҳимоялаш учун уларнинг миллий ифтихор туйғуси, руҳий ва жисмоний тайёргарликларини юксалтиришга доир аниқ топшириқлар берди.

Хатлон вилоятига сафари доирасида мамлакат Президенти «Панж» озод иқтисодий минтақасида корхоналар фаолияти ва қурилиш ишларининг бориши билан ҳам танишди.

***





**Хатлон вилоятининг Жайҳун ноҳиясига иш сафари доирасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон «Водии заррин» МЧЖ аграр бирлашмасининг самарали фаолияти билан танишиб, унинг ишчилари ва мутахассислари билан самимий суҳбат ўтказди.**

«Водии заррин» аграр бирлашмаси Миллат пешвосининг тавсиясига биноан, маҳаллий тадбиркор Фирдавс Валиев томонидан ташкил этилган бўлиб, у мамлакат Ҳукуматининг асосий стратегик мақсадларидан бири – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш учун ердан самарали фойдаланишни амалга оширишга йўналтирилган.

«Водии заррин» МЧЖ аграр бирлашмаси 2016 йилнинг ноябрида ташкил қилиниб, Хатлон вилояти ҳудудида аграр маҳсулотлар, жумладан, пахта, гуруч ва буғдой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш хўжалик субъекти сифатида фаолият юритади.

Ушбу аграр бирлашмаси майдонларида мамлакат Президенти шоли ва пахта парвариши билан танишиб, мазкур етакчи хўжалик меҳнаткашларининг самарали фаолиятига юқори баҳо берди.

# АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, МИЛЛАТНИНГ МУНОСИБ АВЛОДИНИ ТАРБИЯЛАШ – ХОТИРЖАМ КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

## Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Жайҳун ноҳияси раҳбарияти, фаоллари ва аҳолиси билан учрашувда сўзлаган нутқи

*17 август 2017 йил, Жайҳун ноҳияси.*

**Азиз ватандошлар!**

Жайҳун ноҳияси қишлоқ хўжалиги соҳаси нуқтаи назаридан Хатлон вилояти ва мамлакатнинг асосий ҳамда муҳим минтақаларидан бири ҳисобланиб, ўзининг ҳосилдор ерлари, сув захираларининг кўплиги ва энг муҳими, меҳнатсевар ва заҳматкаш халқи билан машҳур. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодий, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳаси тараққиёти, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат корхоналарини хом ашё билан таъминлашга муносиб



ҳисса қўшиб келмоқда.

Ноҳиянинг меҳнатсевар халқи мустақиллик даврида сув ва ер, замонавий қишлоқ хўжалиги техника ва технологиялари, юқори сифатли уруғлардан самарали фойдаланиш орқали сезиларли ютуқларга эришган бўлиб, айни пайтда мамлакат истеъмолчилик бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаяпти ва шу йўл билан республика озиқ-овқат хавфсизлигини ҳимоялашда муносиб рол ўйнамоқда.

Бугунги ташрифимиз чоғида Жайҳун ноҳиясининг ҳалол ва ор-номусли халқи мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва ноҳиялари аҳолиси билан бир қаторда, муқаддас ва буюк байрам – давлат мустақиллигининг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш шарафига ўз минтақаларини ободонлаштириш ва ривожлантириш йўлида кўпгина ишларни бажарганликларининг гувоҳи бўлдик.

Яқин келажакда мамлакат Ҳукумати қўллаб-қувватлаши, давлат дастурлари амалга татбиқ этилиши, ноҳиянинг ёшу қариси саъй-ҳаракатлари билан аҳоли ҳаёт даражаси янада яхшиланишига ишончим комил.

Зеро, мамлакат Ҳукумати томонидан ноҳия устувор тараққиёти ва аҳоли ҳаётини яхшилашга доимий эътибор қаратилаётган бўлиб, ушбу мақсадларга мустақилликка эришилгандан кейин, давлат бюджетидан 326 миллион сомоний йўналтирилган ҳамда 2018-2020 йиллар 185 миллион сомоний ажратилиши назарда тутилган.

Ушбу даврда 8та давлат сармоявий лойиҳаси амалга татбиқ этилган бўлиб, 7тасини амалга ошириш давом этмоқда. Президент Ижроия аппарати Ҳукумат иншоотлари қурилиши бўйича дирекцияси томонидан ноҳиянинг бир қисм ички йўллари 3 миллион сомоний маблағга таъмирдан чиқарилди ва қайта тикланди.

Мамлакат Ҳукумати қарорлари билан ноҳиянинг 2016-2020 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастури қабул қилинган бўлиб, унинг асосида 165 миллион сомонийлик умумий маблағга 194та лойиҳа амалга оширилади. Бу ноҳиянинг кўпгина масала ва муаммоларини ҳал қилади.

Таъкидлаш жоизки, бунёдкорона ташаббусларни амалга татбиқ этиш йўлида сунъий маъмурий тўсиқларни бартараф этиш орқали маҳаллий тадбиркорлар, саховатли кишилар ва умуман, мамлакат аҳолисининг ҳаракатларидан кенг фойдаланиш самарали ва муҳим омил саналади.

Шунинг учун, тегишли тузилмалар ва органлар давлат ва хусусий сектор шерикчилиги имкониятларидан фойдаланган ҳолда, сармоявий лойиҳалар амалга татбиқ этилиши ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштиришлари, тадбиркорлар ва сармоядорларнинг яратувчанлик ташаббуслари амалга оширилишига ҳар томонлама ҳисса қўшишлари зарур.

**Азиз ватандошлар!**

Давлат мустақиллиги даврида ноҳия аҳолисининг самарали меҳнати натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 баравар ошди. Ўтган йили 640 миллион сомоний ва жорий йилнинг биринчи ярмида 327 миллион сомонийлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Ноҳияда тадбиркорлар ва сармоядорлар, жумладан, «Водии заррин» аграр бирлашмаси билан ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш йўлида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу сезиларли натижаларни бермоқда.

Жумладан, янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги оборотидан тушиб қолган ерларни қайта тиклаш давлат дастури доирасида мазкур бирлашмага Жайҳун ноҳиясида аввалроқ қишлоқ хўжалиги оборотидан тушиб қолган ва ўнлаб йиллар мобайнида ташландиқ ҳолатда бўлган 8900 гектарга яқин ерни қайта тиклаш биркитилган.

2015-2016 йиллар мобайнида «Водии заррин» бирлашмаси томонидан турли русумдаги 220та қишлоқ хўжалиги техникаси келтирилиб, 6700 гектардан зиёд ташландиқ ерлар қайта тикланган. Давлат бошлиғининг топшириғу кўрсатмасига биноан, қишлоқлар инфратузилмаси ва хўжаликлараро йўллар қайта тикланган.

2016 йили ташландиқ ерларни ўзлаштиришдаги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда, зикр этилган бирлашмага қўшимча 3100 гектар ер ажратилди.

Биркитилган ерларни суғориш мақсадида сармоядорлар Вахш дарёсида мамлакатда энг йирик бўлган насос ускунасига эга, қудрати соатига 92 минг куб метр сувни ташкил қилувчи замонавий сув билан таъминлаш станциясини қуришди ва фойдаланишга топширишди.

Ҳозир бу сувдан минтақанинг бошқа деҳқон хўжаликлари ҳам фойдаланишяпти.

Зикр этилган бирлашма, шунингдек, «Бешаи паланrон» («Йўлбарслар чангалзори») қўриқхонаси ҳудудини ободонлаштириш ва қайта тиклаш ишларида ҳам фаол иштирок этаяпти.

Умуман, «Водии заррин» бирлашмаси томонидан 2015-2017 йиллар мобайнида Хатлон вилоятида аграр соҳани ривожлантириш ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш, зарур инфратузилма қурилиши, жумладан, электр узатиш линиялари тортиш, ишлаб чиқариш инфратузилмаси қурилиши ва қишлоқлар шароитини яхшилашга 880 миллион сомонийдан зиёд сармоя киритилган.

Экин ва ҳосил йиғиштиришни босқичма-босқич ошириш билан бир қаторда, ҳозир номи зикр этилган бирлашмада 2300дан зиёд маҳаллий фуқаро иш жойлари ва яхши маош билан таъминланган бўлиб, бундан ташқари, ўз фаолияти давомида бирлашма давлат бюджетига 27 миллион сомонийдан зиёд солиқ тўлади.

Зикр этилган ташаббуслардан келиб чиққан ҳолда, барча тадбиркорлар ва сармоядорларга миннатдорчилик билдириб, уларга ишлаб чиқариш натижаларини янада кўпроқ яхшилаш йўлида муваффақиятлар тилайман.

Таъкидлаш жоизки, ютуқ ва олға силжишлар билан бир қаторда, ноҳияда фойдаланилмаган захира ва имкониятлар ҳали жуда кўп бўлиб, улардан самарали фойдаланиш учун янада кўпроқ меҳнат қилиш зарур.

Мисол учун, ўтган йили ноҳия аграрлари хўжаликнинг барча шаклларида 19 минг гектардан зиёд майдонга экин экишган бўлиб, бу 1991 йилга нисбатан  минг гектарга камдир. Пахта майдони 6 минг 500 гектарга, гўшт ишлаб чиқариш  минг тонна, сут – 900 тонна, пилла – 112 тонна ва токзорлар майдони 90 гектарга камайган.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан картошка майдонлари 100 гектарга, сабзавотлар – 210 гектарга ва картошка ишлаб чиқариш – 1200 тоннага камайган.

Бугунги кунгача 7400 гектардан зиёд майдонга такрорий экин экилган бўлиб, бу рақам ноҳия имкониятларини ҳисобга олганда ҳалигача қониқарли эмас.

Давлат мустақиллиги йилларида ноҳиянинг суғориладиган экин майдонлари 6200 гектардан зиёдга қисқаргани ҳам ташвишланарли вазиятлардан биридир.

Бугунги кунгача 5,5 минг гектарга яқин суғриладиган ерлар, жумладан, 5100 гектар суғориладиган экин ерлари ташландиқ ҳолатга келган бўлиб, бу Хатлон вилояти ташландиқ ерларининг 24 фоизини ташкил қилади. Бу айни пайтда ноҳиянинг 26 минг гектардан зиёд ери сув билан таъминланган, яна минглаб гектар ерларни суғориш имконияти мавжуд бўлган ҳолатда рўй беряпти.

Шунинг учун, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Ер бошқаруви ва геодезия давлат комитети, Мелиорация ва ирригация агентлиги, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари зикр этилган камчиликларни имкон қадар тез фурсатда бартараф этиш, ерлардан самарали фойдаланиш, айниқса, ер билан ишлаш маданиятини юксалтириш, бу йўналишга хорижий ва маҳаллий сармояларни жалб этиш, ташландиқ ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига қайтариш ва гидротехник иншоотларни ишга яроқли ҳолатда сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилишлари зарур.

Хатлон вилояти, жумладан, Жайҳун ноҳияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кенг имкониятларга эга эканлигини яна бир марта эслатаман.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, истеъмолчилик бозорини бойитиш ва маҳсулот исроф бўлиши олдини олиш учун иссиқхоналар, музхоналар ва маҳсулот сақлаш омборлари қурилиши-ю қайта тикланишига жиддий эътибор қаратилиши зарур.

2016 йили ноҳиянинг саноат корхоналари 90 миллион сомонийга яқин маҳсулот ишлаб чиқаргани, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан 16 миллион сомонийга ошганига қарамасдан, бироқ бу йўналишда ҳалталаб масалалар жуда кўп.

Тегишли тузилмалар ва органлар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мавжуд иқтидорлардан фойдаланиш, янги корхоналар ва иш жойлари ташкил этиш учун қабул қилинган чора-тадбирлар етарли ва самарали эмас.

Мисол учун, 2016 йили ноҳиянинг 6та саноат корхонасидан 4та корхона фаолият юритиб, қайддан ўтган тадбиркорлик субъектлари, асосан, носаноат соҳаларда фаолият юритган.

Бундан ташқари, «Панж» озод иқтисодий минтақаси фаолияти ҳам қониқарли эмас. 2009 йилдан шу пайтгача озод иқтисодий минтақанинг дастлабки заруратдаги иншоотларини сақлаш ва қуриш учун давлат бюджети ҳисобидан 6 миллион сомоний сарфланиб, унинг инфратузилмалари қурилиши охирига етказилган.

Ҳозир мазкур минтақада 14та компания қайдга олинган ва бугунги кунгача улар фаолиятини бошлаши учун атиги 7 миллион сомоний сармоя киритилиб, фақатгина 100та иш ўрни ташкил қилинган. Бу сон минтақада мавжуд имкониятларга нисбатан жуда камдир.

Яъни минтақа фаолияти қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш ва жиддий яхшиланишга эҳтиёж сезади. Зеро, ишлаб чиқариш иншоотлари қурилиши суръати жуда заиф бўлиб, унинг ташкил этилган инфратузилмаси талабларга жавоб бермайди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотлари умуман ишлаб чиқарилмаган, қурилиш ишлари ҳам ижро этилмаган.

Шунинг учун, Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирлиги, «Панж» озод иқтисодий минтақаси давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органи билан биргаликда ташқи ва ички сармояларни жалб этиш, энг янги технологияларни келтириш орқали минтақа шаклланиши ва тараққиёти жараёнини тезлаштириш учун тезкор чора-тадбирлар қабул қилишга вазифадордирлар.

1997-2016 йиллар мобайнида Жайҳун ноҳиясида давлат қўллаб-қувватлаши ҳамда тадбиркорлар ёрдамида ўнлаб янги таълим бинолари ва 271та қўшимча синфхоналар қурилган, умуман, 7200 ўқувчи учун таълимнинг қулай шароитлари яратилган.

Олдинда турган 4-5 йил ичида Хатлон вилояти маориф соҳаси муассасаларини 2017-2021 йилларга мўлжалланган давлат тараққиёт дастури доирасида Жайҳун ноҳиясида 10 мингдан зиёд ўқувчи ўрнига эга бўлган 24та таълим муассасаси 45 миллион сомонийлик умумий маблағ ҳисобидан қурилиши ва қайта тикланиши назарда тутилган.

Бироқ, ноҳияда ўқувчилар билими паст даражада эканлиги, қизлар таълимнинг ўрта таълим зинаси билан тўлиқ қамраб олинмагани, аниқ фанлар ўқитувчилари етишмаслиги ҳамда 2014-2020 йиллар учун хусусий мактабгача ва ўрта таълим муассасаларини ривожлантириш давлат дастури ижро этилмаётгани бугунги кунгача ташвиш туғдиряпти.

Шунингдек, ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, ёшлар онгида миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш, уларни радикал гуруҳ ва ҳаракатларга жалб этилишдан ҳимоя қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шунинг учун, Маориф ва илм вазирлиги, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари ўсиб келаётган авлод таълим ва тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратиш, таълим сифатини юксалтириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, жумладан, зикр этилган дастур ижроси, таълим муассасаларини замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялар билан таъминлаш, ўқувчиларнинг уч сменада таҳсил олишларини бартараф этиш йўлида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилишга вазифадордирлар.

Бундан ташқари, ҳар биримиз ишда ва ҳаётда давлат маблағлари ва оила бюджетининг мақсадли фойдаланишига доимий эътибор қаратишимиз зарурлигини такроран эслатаман.



Айниқса, миллий анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш, фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисидаги миллий қонунлар шартларига риоя этиш барча раҳбарлар, масъул шахслар, ота-оналар, маориф ходимлари, зиёлилар, фаоллар ва ҳаётий тажрибага эга бўлган кишиларнинг ҳар кунлик вазифасига айланиши керак.

Зеро, зикр этилган қонунларнинг якуний мақсади, шубҳасиз, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва миллатнинг муносиб авлодини тарбиялаш, яъни хотиржам келажагимизни яратиш ҳисобланади.

Ҳозир биз сиз билан озод, ҳуқуқий ва дунёвий давлат қурувчиси сифатида давлат мустақиллигининг 26 йиллиги байрами остонасида турибмиз.

Шунинг учун, бу муқаддас ва буюк байрамни юксак давлат сатҳи ва муносиб кутиб олиш учун янада кўпроқ интилиш ва ҳаракат қилишга вазифадормиз.

Дунёдаги нотинч вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ҳар биримиз ҳамиша ҳушёр бўлишимиз, давлат ва миллат манфаатларини ҳимоялашга тайёр туришимиз, халқни қонун устуворлигини таъминлаш ва унга қатъий риоя этишга йўналтиришимиз, фарзандларимизни маърифатлилик, касб ва ҳунарларни ўзлаштириш, ватанпарварлик, миллий ифтихор ва ўзликни англаш руҳида тарбиялашимиз лозим.

**Сўзим охирида Жайҳун ноҳиясининг барча ватанпарвар, ор-номусли ва меҳнатсевар халқини давлат мустақиллигининг 26 йиллик байрами билан яна бир марта табриклаб, уларнинг ҳар бири ва сиз, ҳурматли иштирокчиларга оилавий бахт, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман.**

**Ҳамиша саломат ва бахтли бўлинг!**

*«Ховар» ТМАА.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИНИНГ ДЎСТИЙ НОҲИЯСИГА ИШ САФАРИ

**17 август куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Хатлон вилоятига иш сафари доирасида Дўстий ноҳиясига ташриф буюрди.**



Мамлакат Президенти Дўстий ноҳиясининг Роҳи нав қишлоғида бир сменада 560 ўқувчига мўлжалланган 16-ўрта умумтаълим муассасаси фаолиятини бошлаб берди.

Миллат пешвоси, шунингдек, ноҳиянинг Жиликўл қишлоғида «Баҳор-1» деҳқон хўжалиги фаолияти билан танишди.

Мазкур хўжаликнинг асосий машғулоти боғдорчилик бўлиб, унинг ҳиссадорлари цитрус мевалари етиштиришади. Зикр этилган хўжалик ихтиёрида 2 гектар ер бўлиб, бир гектарида боғ барпо этилган. Шундан анор, ўрик, узум каби мевалардан мўл ҳосил олинади. Давлат бошлиғига ҳозир Дўстий ноҳиясида 1000 гектар мевали боғлар борлиги, улардан ҳар йили мўл ҳосил олиниши маълум қилинди.

Дўстий ноҳиясига иш сафари доирасида мамлакат Президенти Ёшлар маркази янги биносини тантанали фазода фойдаланишга топширди.

Ёшлар марказида жисмоний тарбия, спортнинг шашка ва шаҳмат каби бошқа турлари билан шуғулланиш учун шароитлар яратилган.

Давлат бошлиғи бу гўзал бинони Ёшлар йилида Дўстий ноҳиясининг истиқболли ёшлари учун муносиб совға, дея атаб, Тожикистон Республикаси Ҳукумати миллатнинг келгуси авлодини қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солишини таъкидлади.

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИ ПАНЖ НОҲИЯСИДА

**Хатлон вилоятига иш сафари доирасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Панж ноҳиясига ташриф буюрди.**

Бу ерда мамлакат Президенти Кабут Сайфиддинов номли қишлоқда 9-ўрта умумтаълим муассасаси қурилишига тамал тошини қўйди.

Панж ноҳиясида Давлат бошлиғи Марказий стадионни очиб, ноҳия фаоллари ва аҳолиси билан самимий ва бунёдкорона суҳбат ўтказди.

Мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Кабут Сайфиддинов номли қишлоқда ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўргазмасига бориб, ноҳия меҳнаткашларининг ютуқлари билан танишди.



Кўргазмага нон ва қандолатчилик маҳсулотлари турли хили, ғалла, сабзавотлар, полиз экинлари ва узум, олхўри, анор, нок, олма, ўрик каби турли хил мевалар чиқарилди. Кўргазманинг бир бурчагида қуруқ мевалар, тоғнинг шифобахш гиёҳлари, асал ҳам чиқарилганди. Давлат бошлиғи танишув чоғида Панж ноҳияси деҳқонлари маҳсулотларидан қониқиш билдириб, республика озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ролини муҳим, дея атади.

Миллат пешвоси «Панж» чегара отрядига ташриф буюриб, унинг янги иншоотини тантанали тарзда фойдаланишга топширди.

*Эмомали РАҲМОН:* ============

# - АҲОЛИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК, ЯКДИЛЛИК НОҲИЯ НОМИГА МУНОСИБУ МУВОФИҚДИР

## Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Дўстий ноҳияси раҳбарияти, фаоллари ва аҳолиси билан учрашувда сўзлаган нутқи

*17 август 2017 йил.*

**Азиз ватандошлар!**

**Ҳурматли иштирокчилар!**

**Энг аввало, сиз, Дўстий ноҳиясининг меҳнатсевар халқига Давлат бошлиғини бу қадар самимият билан кутиб олганингиз учун миннатдорчилик билдираман.**

Жиликўл ноҳиясини қайта номлаш пайтида юзага чиққан бир вазиятни сизга эслатиб ўтишни истайман. Энг аввало, қадимий жарангдор тожикча сўз – «дўстий» («дўстлик») хотирамизга келди.

Ва биз ноҳия аҳолиси ўртасида ҳақиқатдан ҳам ҳукмрон бўлган дўстлик, ҳамкорлик, жипслик ва ўзаро тушунишни сақлаш учун бу номни ҳатто, муносиб ва мувофиқ, дея топдик. Сиз ҳам бу ташаббусдан миннатдор бўлиб қоласиз, деб ўйлайман.

Хатлон вилояти мамлакатимизнинг йирик деҳқончилик минтақаси ҳисобланади ҳамда биз вилоятнинг турли шаҳар ва ноҳиялари, жумладан, Дўстий ноҳиясига сафаримиз чоғида деҳқонлар меҳнати натижалари билан танишиб, ҳар бир ҳақиқий деҳқон ҳосилдор ерлар ва қулай иқлим шароитидан самарали фойдаланса, мамлакат истеъмолчилик бозори фаровонлиги ва стратегик мақсадлардан бири – мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, шубҳасиз, ўз ҳиссаларини қўшган ҳолда, шу билан бирга, ўзи ва оиласининг ҳаётий даражасини юксалтиришига ишонч ҳосил қилдик.

Бугун биз мамлакатимизнинг бу гўзал минтақаси аҳолиси баъзи муаммолар мавжудлигига қарамасдан, ноҳия мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва ўз минтақаларини ободонлаштириш йўлида сезиларли ютуқларга эришганликларини кўрдик.

Айни пайтда мамлакат Ҳукумати томонидан ноҳия ободончилиги ва тараққиётига йўналтирилган 2017-2020 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастури ҳаётга татбиқ этилаётган бўлиб, олдинда турган тўрт йилда мазкур дастур доирасида 262 миллион сомоний маблағга 216та лойиҳа амалга оширилиши керак.

Ноҳия тараққиёти ва аҳоли ижтимоий масалаларини ҳал этиш мақсадида сўнгги 10 йил мобайнида бюджет молиялаштиришининг барча манбалари ҳисобидан 422 миллион сомоний сарфланган. Бундан ташқари, маориф, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжаликлар инфратузилмаларини яхшилаш, аграр соҳасини қўллаб-қувватлаш учун 134 миллион сомоний маблағга 16та давлат сармоявий лойиҳаси назарда тутилган бўлиб, шундан 18 миллион сомонийси ўзлаштирилган.

Президент Ижроия аппаратининг ҳукумат иншоотлари қурилиши бўйича дирекцияси томонидан 2015 йили 4 миллион сомоний маблағга ноҳия ички йўлларида таъмирлаш ва ёритиш ишлари тугатилган бўлиб, айни пайтга келиб, бошқа иккита иншоот – 25 миллион сомонийлик умумий маблағга стадион ва ёшлар маркази қурилиши давом этмоқда.

Шунга қўшимча тарзда, олдинда турган 3 йилда мавжуд масалалар ечими, жумладан, ижтимоий иншоотлар қурилиши ва ноҳия аҳолиси ҳаёт шароитини яхшилаш учун давлат бюджети ҳисобидан 400 миллион сомоний ажратилиши назарда тутилган.

Шунингдек, ерости сувлари сатҳини пасайтириш, сув билан таъминлаш, мелиоратив ҳолатни яхшилаш, ташландиқ ва фойдаланилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига қайтариш мақсадида ноҳияда сармоявий лойиҳалар ва давлат бюджетининг марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан 92 миллион сомонийдан зиёд маблағ сарфланган.

2014 йилнинг октябр ойидаги ўтган сафарим чоғида ноҳия раҳбарияти ва масъул шахсларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ноҳиянинг кенг имкониятлари, жумладан, ер ва сувдан самарали-ю унумли фойдаланиш, шу йўл орқали қишлоқ хўжалиги соҳасининг режали тараққиётини таъминлаш борасида топшириқ бергандим.

2016 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 522 миллион сомоний ва жорий йилнинг олти ойида 140 миллион сомонийни ташкил этганига қарамасдан, бу кўрсаткич мавжуд имкониятлар ва захираларга нисбатан анча пастдир.

Яъни шу пайтгача раҳбарлар, мутахассислар ва деҳқончилик хўжаликлари томонидан барча захиралар ҳам етарли тарзда сафарбар этилмаган.

Маълумотларга кўра, сув тақчиллиги туфайли ўтган йили 510 гектар экин экиладиган сувлик ерларга қишлоқ хўжалиги экинлари экилмай қолиб, бу жараён бу йилда ҳам кузатилган. «Мустақилликнинг 20 йиллиги» қишлоғининг 950 гектар ери экин экилмасдан қолган.

Гап шундаки, уч йил аввал 2000 гектарга яқин суғориладиган ерни қишлоқ хўжалиги оборотига қайтариш ва 1000 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кўрсатма бергандим.

Озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж мунтазам ошиб бораётган шароитда жорий йилда ноҳиянинг мавжуд имкониятларидан фойдаланилмаганлиги боис, картошка ўтган йилга нисбатан 21 фоизга кам экилган.

Ва бу экин, жумладан, пахта, сабзавотлар майдонларини кенгайтириш бараварида ноҳия иқлими боғдорчилик ва токпарварлик учун қулай бўлган шароитда юз бераяпти.

Дўстий ноҳиясида, айниқса, анор ва цитрус мевалари етиштириш учун барча шароитлар мавжуд.

Ерости сувлари сатҳини пасайтириш, ташландиқ ва фойдаланилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига қайтариш учун 92 миллион сомоний сарфланганига қарамасдан, маълумотларга кўра, бир ярим минг гектардан зиёд экин майдонлари ўз вақтида мелиоратив ишлари олиб борилмаганлиги сабабли, ташландиқ ва обороtдан ташқарида қолаяпти. 780 гектар қишлоқ хўжалиги ерларининг дренажларини тозалаш қониқарсиз мелориатив ҳолатда бўлиб, шу билан бирга, 950 гектар ер жорий йилда обороtдан ташқарида қолган.

Яъни қишлоқ хўжалиги оборотидан ташқарида қолган ерлар майдони ноҳия бўйича 3330 гектарни ташкил қилади. Агар бунча ердан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилса, жумладан, картошка ва бошқа сабзавотлар экилса эди, унда 70 минг тонна маҳсулот олиш ва 10 минг киши учун иш жойлари ташкил этиш мумкин бўларди.

Шунинг учун, ноҳия раҳбарияти, мутахассислари ва деҳқончилик хўжаликлари истеъмолчилик бозори фаровон, арзон ҳамда фуқаролар ҳаёти тинчу хотиржам бўлиши учун зикр этилган камчиликларни бартараф этиш масаласига жиддий ёндошишлари зарур.

Ташландиқ ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига қайтариш орқали ҳар йили қишлоқ хўжалиги соҳаси тараққиёти ўсиши ва суръатини 10 фоизгача таъминлаш мумкинлигини қайд қиламан.

Айни пайтда ноҳия ҳудудида балиқ етиштиришга қулай бўлган 10 минг гектар сув остида қолган ер мавжуд.

Таҳлилларга кўра, сўнгги ўн йил мобайнида ноҳияда пахта майдонлари 3240 гектарга камайиб, уни етиштириш ҳажми 2200 тоннагача пасайган. Пахта ҳосилдорлиги мустақилликнинг биринчи йилларидаги 30 центнердан 2016 йилга келиб 16 центнергача, яъни 46 фоизга пасайган.

Шу билан бир вақтда, ноҳия ҳудудида 1200 гектар субтропик боғлар жойлашган бўлиб, бироқ уларнинг ҳосилдорлиги гектаридан 116 центнерни ташкил қилади ҳамда бу кўрсаткич қулай иқлим ва ноҳиянинг кенг имкониятлари ҳисобга олинса, етарлича эмас.

Бу йўналишда давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур масалани ҳар томонлама ўрганиш, пахта ва субтропик мевалар ҳосилдорлигини ошириш учун қўшимча чора-тадбирлар қабул қилишга вазифадордирлар.

Яна бир муҳим масалани эслатиб ўтишни истардим.

Саноат тараққиётига имкон берувчи хом ашё, арзон ишчи кучи ва транспорт-энергетик инфратузилмаларнинг мавжуд, бироқ таҳлилларга биноан, сўнгги йилларда соҳа тараққиёти даражаси етарлича эмаслиги кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, ўтган йили саноат ўсиш суръати 20 фоизга тушиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми атиги 81 миллион сомонийни ташкил қилди ва жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич яна 8 фоизга камайган.

Ноҳия саноат корхоналарининг тўлиқ фаолият юритмаслиги, соҳа тараққиётининг сусайиши бу йўналишда мувофиқлаштириш ва назорат бўйича ишлар заиф олиб борилаётганидан гувоҳлик беради.

Бундай вазиятни тўғрилаш учун Саноат ва янги технологиялар вазирлиги, Маҳаллий ривожланиш комитети, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органларига саноат цехлари-ю корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари билан биргаликда мавжуд иқтидорлар фаолиятини қайта тиклаш ҳамда янги саноат корхоналари ташкил этиш учун жиддий чора-тадбирлар қабул қилишлари зарурлигини эслатаман.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Бугун маориф соҳаси ислоҳоти натижасида педагоглар меҳнат шароити ҳамда Дўстий ноҳияси таълим муассасаларида таълим ва тарбия ҳолати анча яхшиланди. Мустақиллик даврида 13та таълим муассасаси ва 4000дан зиёд ўқувчи учун 71та қўшимча синфхона қурилди.

Хорижий сармояларни жалб этиш орқали 16-ўрта умумтаълим муассасасининг барча замонавий шароитларга эга бўлган янги биноси 1120 ўқувчи учун қуриб битказилиб, у бугун фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, Хатлон вилояти маориф соҳаси муассасаларини 2017-2021 йилларда ривожлантириш давлат дастурига мувофиқ, яъни олдинда турган 5 йилда Дўстий ноҳиясида маориф муассасалари қошида қарийб 9000 ўқувчи учун 23та қўшимча корпуслар ҳамда маориф бўлими янги маъмурий биноси, қўшимча таълим ва истеъдодларни ривожлантириш маркази 39 миллион сомонийлик умумий маблағга қурилади.

Қайд қилиш жоизки, давлат доимий қўллаб-қувватлашига қарамасдан, таълим ва тарбия, дарс бериш даражаси, таълим муассасаларини дарсликлар ва малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳалигача ташвишланишга сабаб бўлиб қолмоқда.

Бу йўналишда Маориф ва илм вазирлиги, давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органи мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир ўз вақтидаги чора-тадбирларни қабул қилишлари, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кадрлар тайёргарлиги режаси ишлаб чиқилишида, энг аввало, ноҳия афзалиятли соҳаларининг ҳақиқий эҳтиёжларини эътиборга олишлари зарур.

Бундан ташқари, ноҳия раҳбариятидан ёш мутахассислар учун белгиланган имтиёзларни самарали амалга ошириш, уларни рағбатлантириш, моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш масаласига жиддий ёндашиш талаб қилинади.

Шунингдек, катта ёшдагиларни ўқитиш марказлари, хотин-қизлар учун тикувчилик, гилам тўқиш ва халқ ҳунарларини ўргатиш курсларини ташкил қилиш масалалари раҳбарлар, мутахассислар ва тадбиркорлар диққат марказида туриши керак.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ноҳиянинг асосий муаммоларидан ҳисобланади. Чунки аҳолининг атиги 10 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган.

«Турар жой-коммунал хўжалиги» давлат унитар корхонаси ва давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органи мазкур масалани ҳал этиш, ноҳия сув билан таъминлаш тизимлари таъмири ва қайта тикланиши учун имкониятларни излашга вазифадордирлар.

Шунингдек, ноҳия бозорлари шароитини замонавий меъёрларга мувофиқлаштириш зарур.

Диққатингизни қаратишни истаган бошқа масала – бу жиноятлар, айниқса, оғир ва коррупцион жиноятлар содир этиш масаласи бўлиб, ноҳияда сўнгги йилларда бундай ҳолат кўпайган.

Сўнгги 6 йилда Давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги томонидан 109та коррупцион ва коррупцион хусусиятга эга иқтисодий ҳамда солиқ билан боғлиқ жиноятлар ошкор этилган бўлиб, шундан 19таси оғир жиноят ҳисобланади.

Ноҳияда «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонун ижроси ҳолати ҳам ташвиш туғдиради.

Шунинг учун, ҳуқуқ ҳимояси органлари, жумладан, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги, ноҳия раҳбарияти, қишлоқ ва шаҳарча жамоатлари аҳоли орасида профилактик, тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтириш, «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунларга риоя этилиши, қонун устуворлигини таъминлашга вазифадордирлар.

Ноҳия раҳбарлари, фаоллари, жамоатлар, маҳаллалар раислари, маориф ходимлари, зиёлилар, ота-оналар ва ҳаёт тажрибасига эга кишиларнинг вазифаси келгусида ҳам халқ, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод ва ёшларни тўғри йўл, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботига риоя этиш, бунёдкорлик меҳнати, ободончилик ва тежамкорлик, эзгу инсоний амалларни ривожлантиришга ҳидоят қилиш, жумладан, етимлар, ногиронлар, камтаъминланган оилалар ва фарзандлар тарбиясига биринчи даражали эътибор қаратиш билан боғлиқдир.

Сиз, ҳурматли иштирокчилар, кўриб турганингиздек, мамлакатдаги тинчлик ва хотиржамлик, тўлиқ барқарорлик туфайли мамлакат халқининг ҳаёти аста-секинлик билан яхшиланиб бораяпти.

Кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган тинчлик, барқарорлик ва миллий келишувга қандай қийинчилик билан эришганимизни унутмаслик керак.

Тинчлигу осойишталик баҳосини, айниқса, Дўстий ноҳиясининг халқи жуда яхши билишади.

Шу нуқтаи назардан, биз келажакда ҳам юксак ватанпарварлик, келишув ва бирдамлик туйғуси билан Ватан тараққиёти йўлида ҳаракат қилишимиз, бунёдкорона ва содиқ меҳнатимиз билан энг яхши даврғача яшашимизга ишонишга вазифадормиз.

Дўстий ноҳиясининг миннатдор ва ор-номусли халқи келажакда ҳам ўзининг бунёдкорона меҳнати билан севимли Ватанимиз гуллаб-яшнаши ва миллий давлатчилик низоми мустаҳкамланишига ватанпарварона ҳиссасини қўшишига қаттиқ ишонаман.

**Барчангизга бахту саодат, оилавий хотиржамлик, фаровон ҳаёт ва муваффақиятлар тилайман.**

**Ҳамиша саломат ва саодатли бўлинг, азиз юртдошлар!**

*«Ховар» ТМАА.*

# МИЛЛИЙ БИРЛИК, АҲОЛИ ҲАМЖИҲАТЛИГИ – ПАНЖ НОҲИЯСИ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

## Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Панж ноҳияси раҳбарияти, фаоллари ва аҳолиси билан учрашувда сўзлаган нутқи

*18 август 2017 йил, Панж ноҳияси.*

**Азиз юртдошлар!**

**Ҳурматли иштирокчилар!**

**Энг аввало, Панж ноҳиясининг барча ор-номусли ва меҳмондўст халқига Ватан ободлиги йўлидаги содиқона заҳматлари ва Давлат бошлиғини самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдириб, ҳар бирингизга хонадон ободлиги, бахту иқбол ва мамлакат ривожу равнақи йўлидаги бунёдкорона амалларингизни кенгайтириш йўналишида ютуғу муваффақиятлар орзу қиламан.**

Дарё соҳили-ю фаровон сув мавзеларида муқим яшаш қадимий халқимиз, хусусан, Панж ноҳиясининг заҳматкаш аҳолисига деҳқончилигу чорвачилик, боғу токзорлар бунёд этиш, халқ ҳунарлари каби ҳаётнинг асосий машғулотлари воситасида яшаш маконлари ва рўзғорлари ободончилигида ютуқларга эришиб, софдилона иш ва фаолиятлари билан ўз диёрларини обод қилиш, миллий қадриятларимизни эҳтиром этиш мустақил давлатимиз тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўшиш учун имконият берган.

Панж ноҳиясининг катта ёшли аҳолиси унчалик узоқ бўлмаган ўтмишда ноҳия ҳудудида обод бўлмаган ва қамишзору тўқайзордан иборат бўлиб, ота-боболаримизнинг кеча-ю кундуз чеккан заҳматлари натижасида мамлакатимизнинг ободу гўзал бир мавзесига айлантирилганини яхши эслашади.

Ўтган асрнинг 20-30 йилларида ноҳия ҳудуди олимлару мутахассисларнинг тадқиқоту ўрганишлари остида бўлиб, Саройкамар мавзесида биринчи марта пахтанинг қийматли миср ё майин толали тури тажрибадан ўтказилди ҳамда шундан кейин ноҳия ерлари унинг парвариши учун қулайлиги илман исботланди.

Ўша йилларда мазкур тадбир тўқимачилик саноатини шундай қимматбаҳо ашё, яъни майин толали пахта билан таъминлашда сезиларли рол ўйнади.

Панж ноҳияси юртимиз мустақиллиги даврида мамлакат Ҳукумати қўллаб-қувватлаши, ғамхўрлиги, аҳолисининг софдилона меҳнати ва саховатли тадбиркорларнинг ҳиссаси билан анча ривожланиб, устувор иқтисодий тараққиёт ва халқ муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш учун қулай шароитлар яратилди.

Бу даврда ноҳия тараққиётини таъминлаш учун давлат бюджетидан 540 миллион сомонийдан зиёд маблағ сарфланиб, шунга қўшимча тарзда, 21та давлат сармоявий лойиҳаси доирасида 290 миллион сомоний маблағ жалб этилган.

Айни пайтда Президент Ижроия аппаратининг Ҳукумат иншоотлари қурилиши бўйича дирекцияси воситасида 45 миллион сомонийлик умумий маблағга олти минг ўринли марказий стадион, “Панж” чегара отрядининг “Файзободқалъа” чегара кузатув пункти, сил хасталиклари касалхонасини қайта тиклаш, ноҳия ички йўлларини таъмирлаш, қайта тиклаш ва ёритиш ишлари амалга ошириляпти.

Зикр этилган иншоотлардан бугун турли тадбирларни ўтказиш учун Ҳукуматнинг байрамона туҳфаси сифатида ноҳия стадиони очилди.

Шу билан бирга, айни пайтда ноҳиянинг 224 миллион сомонийлик умумий маблағга 150та лойиҳани қамраб олувчи 2014-2018 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёти дастури татбиқи давом этмоқда.

Олдинда турган уч йилда ноҳия асосий соҳалари тараққиёти учун давлат бюджети ҳисобидан яна 195 миллион сомонийдан зиёд маблағ йўналтирилиб, бу ноҳиянинг янада ободу ривожланиши, унинг аҳолиси турмуш шароити яхшиланиши ва минглаб янги иш жойлари яратилишига сабаб бўлиши шубҳасиздир.

Ноҳияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ошиши сўнгги ўн йилда қарийб икки баравар таъминланиб, 2016 йили унинг ҳажми 460 миллион сомонийлик умумий маблағни ташкил қилганини зикр этиш ўринлидир.

Шунга қарамасдан, ноҳиянинг захира-ю имкониятларидан эртачи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш учун ҳалигача тўлиқ ва самарали фойдаланилмаган.

Масалан, ўтган йили ноҳияда ҳаммаси бўлиб 18 минг гектар ерга экин экилган бўлиб, бу 1991 йилга нисбатан 1000 гектарга камдир.

Жорий йилда 18 минг 700 гектар майдонга экин экилган бўлиб, бу кўрсаткич гарчанд ўтган йилга нисбатан ошган бўлса-да, аммо ноҳия имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш кўрсаткичи бўла олмайди.

2016 йили ноҳияда 5900 гектар майдонга пахта экилиши керак эди. Аммо ҳаммаси бўлиб 5400 гектар майдонга экилган. Бу режага нисбатан 500 гектарга камдир.

Агар 1991 йили ноҳиянинг суғориладиган экин ерлари умумий майдони 15 минг гектарни ташкил қилган бўлса, ҳозир у 11 минг 200 гектарга баравар бўлган.

Яъни мустақилликнинг 26 йили мобайнида ноҳиянинг суғориладиган экин майдонлари кўпайишнинг ўрнига 3800 гектарга камайган.

→ 5

◄ 4

Сўнгги икки йилда ноҳиянинг фойдаланишдан четда қолган 266 гектар ери қишлоқ хўжалиги оборотига қайтарилиб, қарийб 500 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланган.

Аммо хўжалик бошқарувчиларининг масъулиятсизликлари ва енгил-елпи қарашлари сабабли бундай ерлар майдони камайиш ўрнига, аксинча, йилдан-йилга ошиб бораяпти.

Шунингдек, сўнгги 20 йил мобайнида қирғоқ соҳилидаги 60 гектардан зиёд сувли ерлар дарё оқими остида қолган.

Шунга қўшимча тарзда, ноҳияда "2013-2020 йиллар учун қишлоқ хўжалиги устуворлиги учун аҳоли бандлигини таъминлаш ва сув захираларини бошқариш" ҳамда "2014-2019 йиллар учун Панж дарёси ҳавзасининг иқлим ўзгаришига устуворлигини таъминлаш" лойиҳаларининг иккинчи босқичи татбиқи доирасида беш миллион сомонийдан зиёд умумий маблағга зовурлар, сув етказиш иншоотларини таъмирлашу тозалаш, бошқа мелиоратив ишлар амалга оширилган.

Панж ноҳияси ўтмишда деҳқончилигу экин ишлари тажрибаси билан кўпгина ноҳиялар учун намуна бўлиб, ўнлаб, юзлаб нафар асил ва ишнинг кўзини билувчи деҳқонларга эга эди.

Шу сабабли, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер бошқаруви ва геодезия агентлиги, Сармоядорлик ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, вилоят ва ноҳия раҳбарияти-ю мутахассислари зикр этилган камчиликлару мушкулликларни бартараф этиш, ердан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, давлат сармоявий лойиҳалари ва тадбиркорларни жалб этиш воситасида ерларни ўзлаштириш, сув етказиш иншоотлари мўътадил фаолиятини йўлга қўйиш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишларини олиб бориш йўлида жиддий ҳамда ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилишга вазифадордирлар.

Шунга боғлиқ ҳолда, ноҳия деҳқонларига мурожаат қилиб, бир масалани эслатиб ўтишни истардим. Сизнинг ноҳиянгизда мавжуд бўлган имкониятлар, яъни сувнинг фаровонлиги, кенг майдонлар ва иқлимнинг қулай шароити кўпгина ноҳияларда мавжуд эмас.

Шунинг учун, ноҳиянинг номдор деҳқонлари фарзандлари сифатида табиатнинг бундай имконияту неъматларига шукрона тарзида ернинг ҳар бир қаричидан яхши ҳосил олиб, ҳам истеъмолчилик бозорини ва ҳам ўз рўзғорингизни яхшилашга ҳаракат қилишингиз лозим.

Ноҳия ерларидан бир йилда уч марта ҳосил олиш мумкинлигини ўзингиз яхши биласиз.

# МИЛЛИЙ БИРЛИК, АҲОЛИ ҲАМЖИҲАТЛИГИ – ПАНЖ НОҲИЯСИ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Шунингдек, минтақада зотли чорва сонини ошириш бўйича асосий хўжалик ҳисобланган "Панж" зотпарварлик хўжалиги давлат муассасаси фаолияти қониқарли ва самарали бўлмай, жиддий яхшилашни талаб қилишини таъкидлайман.

Зеро, чорвачилик ва аҳоли хўжаликларида зотли чорва сонини оширишнинг бу муассаса раҳбарлари-ю мутахассислари фаолияти билан боғлиқлик жойи кўп.

Шу сабабли, давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ва Панж ноҳияси ижроия органлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги зотчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантириш ва бу соҳага тажрибали мутахассисларни жалб этиш йўлида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилишлари зарур.

Шунингдек, саноат соҳаси тараққиёти, ишлаб чиқариш, жумладан, хом ашёни қайта ишлаш цехлари ва корхоналари таъсис этиш масаласига ноҳия аҳолисини иш жойлари билан таъминлаш ва маҳаллий бюджет даромадини оширишнинг асосий манбаси сифатида биринчи даражали эътибор берилиши зарурдир.

Бу йўналишда ноҳия раҳбарияти тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ва хорижий сармояларни имкон қадар кўпроқ жалб этиш, ишлаб чиқариш иқтидорларидан самарали фойдаланишга доир чора излашлари керак.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Мамлакат узоқ ноҳиялари, жумладан, Панж ноҳияси маориф соҳаси мамлакат Ҳукуматининг доимий диққати остида туради.

Мустақиллик даврида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 21 миллион сомонийдан зиёд маблағга 19та янги таълим биноси ва 9000 ўринга эга қўшимча бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда маориф бўлими биноси қурилиши ва Пахтакор қишлоғида умумий таълим муассасасининг қайта тикланиши ишлари бошланиб, Хатлон вилояти маориф соҳасининг 2017-2021 йиллар учун тараққиёт дастури доирасида олдинда турган 5 йил мобайнида 46 миллион сомонийлик умумий маблағ ҳисобидан 9000дан зиёд ўринга эга бўлган 26та таълим муассасаси қайта қурилиши керак.

Зикр этилган дастурнинг амалга оширилиши, албатта, ёш авлод таълиму тарбия даражаси ва сифати яхшиланишига янада кўпроқ қулай шароит яратади.

Шунингдек, ноҳияда Қўрғонтепа шаҳри Педагогика коллежининг мақсадли гуруҳлари 200 нафар студентни таҳсил билан қамраб олган бўлиб, шундан 95 фоизини маҳаллий қизлар ташкил қилади.

**Азиз юртдошлар!**

Мамлакатимизнинг шарафли халқи юртимиздаги тинчлигу хотиржамлик фазосига шукрона тарзида бунёдкорлик ишларини мунтазам кенгайтириб, муносиб турмуш шароитини яратиш учун саъй-ҳаракат қилишмоқда.

Аммо ҳар кунлик ҳаётимизда шундай ҳолатлар ҳам кўзга ташланадики, у жамиятнинг барча табақаси, хусусан, фаоллар, масъуллардан алоҳида эътибор талаб қилади.

Жумладан, Панж ноҳиясида "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонун талаботи риояси йўлида 70дан зиёд ҳуқуқбузарлик ҳолати қайдга олинган бўлиб, "Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида"ги қонун талаблари ижросига доир 201та маъмурий ҳуқуқбузарлик иши очилгани ташвиш боисидир.

Зикр этилган рақамлар ота-оналар, жамият фаоллари, чунончи, ҳурматли ўқитувчиларимиз фарзандлар таълим-тарбияси, исрофгарчиликлару оила бюджетига зарар келтиришдан бошқа нарса бўлмаган тантаналару маросимларни тартибга келтиришга ҳалигача жиддий эътибор қаратмаётганликларидан гувоҳлик беради.

Шу сабабли, раҳбарлару жамият фаолларидан аҳолига "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонун мазмуну моҳиятини тўғри тушунтириш, шу йўл орқали халқ мафкурасидан баъзи кераксиз ва сунъий равишда пайдо бўлган маросимлару анъаналар ижросини узоқлаштиришни тақозо этади.

Ноҳия, шаҳарча-ю қишлоқ жамоатлари раҳбарлари, анъаналар, тантаналар ва урф-одатлар бўлими масъуллари, доимий ҳамда жамият комиссиялари аъзолари зикр этилган йўналишда қонунбузарликлар олдини олиш йўлида таъсирли тадбирлар ўтказишга вазифадордирлар.

Сиз, Панж ноҳияси халқи тинчлигу осойишталик, юрту ватанга эга бўлиш қадрини бошқалардан кўра кўпроқ биласиз. Бизу сизнинг жангу қонунсизлик ва унинг харобалик келтирувчи оқибатлари даҳшатини унутишга ҳақимиз йўқ.

Қочоқларни Ватанга қайтариш, уларни яшаш жойи, озиқ-овқат ва ҳаётнинг бошқа шароитлари билан таъминлашнинг азобу машаққатларини катта ёшли кишиларимиз унутмаганликларига ишонаман.

Бошқа томондан, сизнинг ноҳиянгиз чегара олдида жойлашган бўлиб, ҳар бирингиз чегара вазияти нотинчлигидан яхши хабардорсиз.

Шунинг учун, ҳамиша ҳушёру зийрак бўлинг, Ватанимизнинг тинчлигу барқарорлиги қадрига етинг. Уни эҳтиёт қилинг ва ўсмирлару ёшлар, яъни ўз фарзандларингизга бу масалани доимо талқин қилинг.

Сўзим охирида Панж ноҳиясининг ватанпарвар ва заҳматкаш халқи давлат мустақиллиги йилларида анча кўп ютуқларга эришишганини комил ишонч билан айтаман. Аммо шунинг баробарида, ноҳияда ҳалталаб масалалар ҳалигача кўп бўлиб, сафар жараёнида уларни ҳал этиш учун аллақачон масъул органларга зарур топшириқу кўрсатмалар бердим.

Ноҳиянинг ҳар бир фуқароси, раҳбарлару мутахассислар баробарида, шунингдек, ташкилоту муассасалар ва тадбиркорлик субъектлари, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳам ноҳия ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун ҳамжиҳатликда ва пок ният билан саъй-ҳаракат қилишга вазифадор эканликларини таъкидлайман.

Фақатгина миллий бирлик, фуқароларнинг ҳамжиҳатликдаги заҳматлари туфайли эзгу мақсадларимизга эришиб, Панж ноҳиясини мамлакатимизнинг ривожланган минтақаларидан бирига айлантиришнинг уддасидан чиқишимиз мумкин.

**Сўзим охирида ноҳиянинг барча халқини бир неча кундан кейин нишонланадиган давлат мустақиллигининг 26 йиллик байрами билан самимий табриклаб, ҳар бирингизнинг хонадонингизга тинчлигу осойишталик, бахту саодат ва файзу баракат тилайман.**

**Ҳамиша саломат ва саодатли бўлинг, азиз юртдошлар!**

*"Ховар" ТМАА.*

√ Нуқтаи назар

# КЕСАК ОТГАНГА ЖАВОБ – ТОШ...

Терроризм ва экстремизм сўнгги бир неча йил мобайнида глобал хатар сифатида дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Экстремистик ва террористик хусусиятга эга бўлган жиноятлар сонининг ошиши халқаро терроризмнинг кенгайиши ва ёш авлоднинг террорчилик гуруҳлари сафига жалб этилиши боисига айланяпти.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон халқаро баланд минбарлардан мазкур масаланинг шу томонини назарда тутиб, башарият аҳлига терроризмнинг ватани, миллати ва дину мазҳаби йўқлигини таъкидлаб келади.

Ҳақиқатдан ҳам, жорий йилнинг 8 август куни кечки пайтда мамлакат телевидение каналлари воситасида мамлакат Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази тайёрлаган ҳужжатли филм томошаси давлатимиз бошлиғининг юқоридаги гапларининг тасдиғидир.

Урфиятда: -«Бўридан туғилган бўри бўлади», - дея тўғри айтишади.

Тожикистон Ислом тикланиш партиясининг тарбияланувчиси ва боқимондаси – мамлакатда нотинчлик замонида оғир жиноятлар ташкилотчиси Абдуҳалим Назарзода давлат бошлиғи кечирганига қарамасдан, яна ўз халқу миллатига нисбатан хиёнатга қўл урди.

Гап шундаки, қилган гуноҳлари миллат боқийлиги, осуда, тинчу осойишта ҳаёт ва мамлакат осмони софлиги йўлида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон томонидан кечирилган эди. Юксак ҳарбий унвон, юқори мансаб эгаси бўлиш ҳам унинг кўзини очмади, қалбини ўз давлату миллатига нисбатан иситмади. Афсуски, хорижий хожаларининг топшириқлари бу ватан хоини учун ҳамма нарсадан устун экан.

Абдуҳалим Назарзода ва Муҳиддин Кабирий ким бўлганликлари-ю, улардан аввал ўтганлар қандай давлату савлатга эгаликлари, бирданига катта бойлик соҳиби бўлганликлари барчага равшандир. Ўнлаб корхона-ю қасру кўшклар қуришди ё давлат иншоотларини арзимас маблағларга ўзлаштириб олишди. Гўё хориж улар учун қўшнининг «уйи»га айлангану, истаган соату вақтларида улар учун чипта тайёр эди. Ўзлари, дўсту ёрларининг фарзандлари ҳам хорижда таҳсил олишарди. Аммо хорижий хожалари ўзларининг бир тийин маблағини ҳам беҳуда сарфлашмайди. Унинг натижаси 2015 йилнинг 4 сентябридаги Абдуҳалим Назарзода томонидан уюштирилган исён бўлиб, у ўзи ва хорижий хожаларининг нопок ғаразларини амалий қилган ҳолда, Тожикистоннинг иккинчи Афғонистонга айлантиришни истаганди. Озод халқимиз мафкурасини аждодларимизнинг азалий бой тарих у маданияти билан йўқликка чиқариб, ғаразли бегоналарнинг маданияти, урфу одатлари ва ақидаларини мажбуран жойламоқчи бўлади.

Бир миллат, унинг ор-номусли ва маърифатли фарзандларини нобуд қилишни англаган ҳолда, тўқсонинчи йилларда миллатнинг содиқ фарзандларини қатл этишга қўл уришди. Яъни хорижий сармоядорлар, хусусан, видеотасмадан маълум бўлишича, Эрон Республикасининг ўша вақтдаги раҳбариятига сотилган ору номуссиз кишилар - ҳаммиллатларимиз қотилликка қўл уришди. Яъни улар ҳунару маданият, мактабу маориф ва илмга қарши жанг қилишди.

Бу беномус қотилларнинг кўрсатишларича, мамлакатнинг 13 нафардан зиёд маданияту маънавиёт ва илм юлдузлари қатл қилинди.

Ҳақиқатдан ҳам, Олий Кенгашнинг собиқ раиси Сафарали Кенжаев, таниқли журналист Отахон Латифий, олимлар Муҳаммад Осимий, Юсуф Исҳоқий, Минҳож Ғуломов, сиёсатчи Карим Юлдошев, таниқли ёзувчи Сайф Раҳимзоди Афардий, собиқ муфтий Фатҳуллохон, чунончи, Россиянинг Тожикистондаги 201-ҳарбий базасининг 20 нафар ходими ва бошқаларнинг ўлдирилиши билан боғлиқ ҳамма гуноҳни улар ҳукуматнинг зиммасига ағдариб, мамлакатимизда маҳаллийчилик уруши оловини ёққан ҳолда, ўзлари истаганларича ҳукмронлик қилишни исташарди. Россия давлати билан муносабатнинг совушини хоҳлардилар.

Аммо бу барча номардларча амалларга қарамасдан, ҳукумат ўзининг фидойи фарзанди Эмомали Раҳмон бошчилигида муносиб жавоб берган ҳолда, мамлакат халқини тинчлигу миллий бирлик байроғи остида тўплаб, Тожикистонни йўқ бўлиб кетишдан асраб қолди.

Вақт - одил ҳакам, дейишади. Бу ҳикматнинг ўзига хослиги бор. Кўп йиллар ўтганидан кейин, мамлакат қудратли органларининг самарали фаолияти натижасида ватан хоинларининг асил чеҳралари очилди.

Генерал Абдуҳалим Назарзода ва Муҳиддин Кабирийнинг қора ишлари тарафдори-ю ижрочилари бўлган гумонланувчилар Тағоймурод Ашрапов, Абдуқодир Абдуллоев ва Саймуҳриддин Қудратовлар тўти каби ўз хожаларининг сирини халққа фош қилиб, уларнинг юзини тарих олдида шувут қилишди. Ўтган асрнинг 90-йилларида уларнинг барчаси Эрон Ислом Республикасининг Қум ва Гургон вилоятлари, Теҳрон ва Машҳад шаҳарларида қотиллигу бузғунчилик ишларини ўзлаштирганликлари маълум бўлди.

Хиёнатчи генерал Абдуҳалим Назарзода 2015 йилнинг 4 сентябридаги қуролли исёнидан кейин ўлдирилиб, Тожикистон Ислом тикланиш партияси раҳбари Муҳиддин Кабирий ўз миллатдошлари олдида узр сўраш ва тавба қилишнинг ўрнига, хорижий хожаларининг ишоралари билан мамлакат Ҳукумати томон кесак отмоқда. Халқнинг: -Кесак отганга жавоб тошдир,- деган нақлини унутган.

Тарих хиёнатчиларнинг ҳамма кирдорларига муносиб баҳо беради, аммо Эрон Ислом давлати раҳбариятига миллатнинг хоинларини қўллаб-қувватлагани учун қандай жавоб берар экан?

*Тилло СОҲИБНАЗАРОВ,*
*Файзобод ноҳиясидаги Миллий бирлик ва қайта тикланиш ҳаракати Катта ёшлилар кенгаши раиси.*

Матбуот анжумани

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ЯПОНИЯДА ЎҚИШДИ

**Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат хизмати агентлиги 2017 йилнинг биринчи ярмида эришган ютуқ ва камчиликлари борасида журналистлар ҳузурида ҳисобот берди.**



- Статистика маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 августигача давлат хизматчилари умумий сони 19 минг 261 нафарни ташкил қилган. Шулардан 4 минг 340 нафари ёки 22,5 фоизи аёллардир, - деди агентлик раҳбари Жума Давлатов. – Ҳисобот даврида 2016 йилга нисбатан аёллар сони 124 нафарга кўпайган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Давлат хизмати агентлиги режасига мувофиқ Лахш, Айний, Қабодиён, Ёвон, Роштқаъла ноҳияларининг давлат ҳокимияти ижроия органлари ҳамда Панжакент шаҳри, Тоғли Бадахшон мухтор вилоятининг Адлия, Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаларида давлат хизмати қонунлари ижроси текширувдан ўтказилди.

Текширувлар натижасида давлат ҳокимияти Лахш ноҳияси ижроия органида давлат хизмати қонунларига риоя қилинмаганлик ҳолатлари аниқланган. Жумладан, давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органида 2013 йилдан 2016 йилгача давлат хизмати бўш лавозимлари учун ходимлар танловсиз ишга қабул қилинган.

501-модданинг 1-қисми талабларига мувофиқдавлат хизмати тўғрисидаги Тожикистон Республикасининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилинмаганлиги, Тожикистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексига биноан, 2015-2016 йилларда ноҳия қишлоқ жамоатларидаги ўрни бўш лавозимларга ходимларни танловсиз таъинлаганлари сабабли, Лахш ноҳиясининг Жирғатол, Сурхоб ва Пилдон қишлоқ жамоатлари раислари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Давлат ҳокимияти Айний ноҳияси ва Панжакент шаҳари ижроия органлари фаолиятларида ҳам юқорида айтиб ўтилган камчиликлар ошкор қилинган.

Камчиликлар бартараф қилиниб, ноҳия раиси аппарати маъсуллари ва давлат ҳокимияти ижроия органи тузилмалари, шаҳарча ва қишлоқ жамоатларига амалий ҳамда методик ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот даврида Давлат хизмати агентлиги Давлат бошқариш институти билан ҳамкорликда давлат хизматчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари режаси асосида, Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат бошқариш институтига 2017 йил учун 712 (188 аёл) нафар давлат хизматчилари 17та, жумладан, 3та қайта тайёрлаш ва 14та малака ошириш курсларига жалб қилинган.

Агентлик раҳбарининг таъкидлашича, JDS лойиҳаси асосида 2009 йилдан ҳозиргача 38 нафар давлат хизматчилари ўқиш учун Япония университетларига жўнатилган. Шулардан 28 нафари магистратурани тугатиб, Тожикистон Республикаси давлат органларида фаолият юритиб келмоқда.

*Садоқат АБДУРАЗОҚОВА,*
*«Халқ овози».*

√ Мулоҳаза

# ДЎСТЛИК ҒАРАЗ БИЛАН ЎРНАТИЛМАЙДИ...

Тожикистон Ички ишлар вазирлигининг шарҳи ёки ҳужжатли филми Эрон ва унинг таъсир ўтказиш марказлари реакцион ва урушга интилувчи гуруҳлар манфаатини қўллаб-қувватлаш учун мунтазам ҳаракат қилиб келганликларини баён этади. Тожикистоннинг таниқли шахсларини қатл этиш буйруғи террористик гуруҳлар Эрон махсус хизматлари ҳимояси билан Тожикистондаги ишларини хотиржам амалга ошириб юрганликларини кўрсатади. Шу ерда бир савол туғилади: бу босқичда урушни кўзлаган ва террорчи гуруҳлар ҳимояси кимнинг манфаатини кўзлайди?

Эроннинг сўнгги бир неча йилларда Тожикистонга яқинлашиши манфаатга эга бўлиш ва таъсир ўтказувчи ричагга йўл топиш мақсадида эканлиги мутахассисларнинг шарҳлари ва таҳлилларида неча марта таъкидланган. Тожикистонни қўлга киритишу унга босим ўтказиш истаги Эроннинг таъсир ўтказувчи гуруҳларини шу даражага олиб борганки, президент курсисига номзод бўлган Оятулло Саид Харрозий номли шахс «Буюк форс»ни ташкил қилиш орзусига тушиб қолиб, Тожикистонни ҳам бу «империя»га қўшишни ният қилган. Халқаро низолар Эрон манфаати йўлида ҳар бир мамлакатда ўзига яқин қудратларни ҳимоя қилишидан гувоҳлик беради. Гарчанд Америка ва Европанинг бошқа мамлакатларида Ливаннинг «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи террорчилик ҳаракати сифатида эълон қилинган бўлса-да, Ўрта Шарқ минтақасида «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи бу мамлакатнинг бевосита ҳимоясидан баҳрамандир. Дўстлик ғараз билан ўрнатилмайди, деган нақлнинг маъноси шуки, Эрон дипломатлари шу билан Тожикистон учун қилган ишлари – «Истиқлол» туннели ва «Сангтўда-2» ГЭСи қурилишини миннат қилишади. Аммо бу иншоотларни улар Тожикистон учун бепул қуришгани йўқ. Бошқа томондан, уни халққа туҳфа қилишгани йўқ. «Истиқлол» туннели фойдаланишга топширилганидан кейин, қайтадан тикланиб, Тожикистон учун катта хазина бўлди. Қурилган гидроэлектростанция ҳам тожик халқи учун ҳадя бўлмай, Тожикистон томон ҳам унинг бунёди учун ҳисса қўшган. Ҳужжатли филм қаҳрамонларининг нақл қилишларича, улар (қотиллару қатллар ижрочилари) Эронда машғулотдан ўтказилиб, сўнгра улардан Тожикистоннинг ўзига қарши фойдаланилган. Жанг изловчилар ё тайёрланган қотилларнинг ўзлари таниқли шахсларни орадан кўтариш учун кимдан фармон олганликларига иқрор бўлишди. Сафарали Кенжаевнинг қотили Абдуқодир Абдуллоев Эронда машғулотдан ўтиб, хоин генерал Назарзоданинг топшириғини ижро этганини айтади. Агар бизга «дўст» бўлган мамлакат хавфсизлик органлари буни билишган бўлса, унда нима учун уларнинг Қумда таълим олишларига ижозат берди? Нима учун ўз миллатдошларига қарши қурол кўтаришди? Наҳотки, «душма»га бағрингдан жой бериш дўстликнинг қоидаси бўлса? Лекин Тожикистон Эрон халқи учун оғир «жаҳон эмбарго»си лаҳзаларида уларни ҳимоялашга бутун иқтидори билан ҳаракат қилди. Бир мамлакатнинг суд қарорини эҳтиром қилмаслик, шу даражага етдики, Эрон томон ТИТПнинг террорчи партия эмаслигига ишонтириш йўлида ўзига зўр бермоқда. Гап шундаки, партия гумашталари неча йиллардан буён Тожикистон ҳуқуқ ҳимояси органлари томонидан қўлга олиниб, жиноят содир этганлик айби билан озодликдан маҳрум этиладилар. Буларнинг барчасига қаноат қилмасдан, кўра-била туриб террорчи ва экстремистик гуруҳни ҳимоя қилишнинг қандай маъноси бор?

Агар Эроннинг ўзида бир нафар террорчи қўлга олинса, уни ва дўсту ёрларини ҳеч ким ҳимоя қилмайди. Нима учун бу мамлакатда бири «Буюк форс»ни қуриш орзусида-ю, бошқаси бир обод мамлакатни миллатнинг донишманд фарзандларидан маҳрум этиш учун террорчи гуруҳлар тарафдори? Наҳотки, Эрон махсус хизматлари муттаҳам шахслар террорчилик амаллари билан, ҳатто ижтимоий тармоқларда миллату давлатларига қарши ўзларининг хиёнатларини давом эттираётганликларини кўришмаса? Жанг изловчи, халқу миллат душмани бўлган бу гуруҳ халқ хоҳишини назарга олмай, миллатни пастга уриш билан ўзининг гўё «жабрдида» эканлигига ишонтирмоқчи бўлади. Гап шундаки, ўзингиз мамлакатингиз ичкарисида қонуний давлат тартибини бузишни истаганларга нисбатан қандай чора кўрдингиз? Бири уй қамоғига маҳкум этилиб, бошқаси зиндонда, учинчисининг фарзандларини қамоққа ташладингиз. Бу ҳолатда ўз қонуни, судига эга бўлган давлатга нисбатан нописандларча муносабат қилиш тўғрими? Ҳеч қайси давлат бир мамлакатнинг мустақиллигини савол остида қолдириш ҳуқуқига эга эмас. Тожиклар ҳамиша давлат эгаси бўлишгану ҳозир ҳам шундай. Шу сабабли, ҳеч ким, жумладан, Эрон президентлиги номзоди жаноб Харрозийга ҳам Тожикистонни «зўрлик» билан хаёлий «Буюк форс» империясига киритиш ҳуқуқи берилмаган. Эрон расмий идораларининг баёноти ва шарҳларидан маълумки, улар Тожикистонга аллақачон кўз тикишган, аммо ватанпарвар тожик халқи бир хоин кимса истаган бошқа бир мамлакат орзуларини барбод этишига ижозат бермайди.

*Шаҳриёри ИСФАНДИЁР.*

Акс садо

# ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА, ЖАНОБ МЎСАВИЙ!

Сайидрасули Мўсавий – Эрон Ислом Жумҳуриятининг Тожикистон Республикасидаги собиқ Фавқулодда ва мухтор элчиси, айни пайтда Эрон ташқи ишлар вазирининг маслаҳатчиси бир муддат илгари қўшни Афғонистоннинг Бомиён шаҳрида ўтказилган конференцияда Тожикистон вакили Абдулло Раҳнамони Муҳиддин Кабирийнинг ўтган йилги Теҳрон сафаридан Тожикистон ҳукумати ўзини ноҳрат сезганлиги ва ТИТПнинг экстремистик-террористик ташкилот эканлиги борасида далилсиз қолдирганлигини турли сайтларда нашр эттирди. «Бовар кунед, ҷавобе надошт, хушкаш зад» - «Ишонинг, у жавоб беролмай, қотиб қолди»,- дея хулосалайди мақоласини Сайидрасули Мўсавий.

Сайидрасули Мўсавийнинг иддао қилишича, Муҳиддин Кабирий бошлиқ ТИТП экстремистик-террористик ташкилот эмас, балки бегуноҳ мусича. Ва унинг бу фикрлари олдида гўёки тожикистонлик олим Абдулло Раҳнамо сўз тополмай, яхдай қотганмиш…

Бу орада Абдулло Раҳнамо жаноблари ҳам ўзининг раддиясини эълон қилди. Уни ҳам барча сайтлар нашр эттирди. Абдулло Раҳнамонинг сўзларига кўра, у Тожикистон Ҳукумати томонидан расмий вакил эмас, балки бир олим сифатида Бомиён конференциясига ташриф буюрган экан. Сайидрасули Мўсавий билан эса, конференциядан ташқари бир пиёла чой устида ёки музейлар томошаси пайтида сўзлашган, аксар вақт ҳазил-ҳузул қилишган. Ва ҳатто Сайидрасули Мўсавий Абдулло Раҳнамога конференцияда бир олим сифатида ажойиб чиқиш қилганини айтиб, аҳсан, деган.

«Инак, банда дар фикр фурӯ рафтаам, ки ба кадом сухани Шумо бовар кунам: ба ин ки, "забону мантиқу мазмуни Шумо олӣ буд" ё ба ин ки "ҳеҷ ҷавобе надошту яхаш зад"? –«Энди мен сизнинг қайси сўзингизга ишонай? «Тил ва мазмуну мантиғингиз олий эди»гами ёки «Ишонинг, у жавоб беролмай, қотиб қолди»,-деган сўзингизгами?- дейди Абдулло Раҳнамо.

Дарҳақиқат, шундай. Юзига қараб, аҳсан деса-ю, ортидан сайтларда бўҳтон уюштирса… Ҳамма ҳам ҳайрон қолиб, Абдулло Раҳнамо каби –«Энди мен сизнинг қайси сўзингизга ишонай? -дея ажабланиши турган гап.

Аҳамият бераяпсизми, Сайидрасули Мўсавий иккиюзламачилик қилаяпти. Назаримда, иккиюзламачилик у учун одатий ҳол. Унинг фикрича, Муҳиддин Кабирий ҳам, Абдуҳалим Назарзода ҳамда гумашталарининг бари бегуноҳ эмиш…

Жаноб Мўсавий, чучварани хом санабсиз, ахир бу бўлиб ўтган воқеаларни Тожикистон халқи ўз кўзи билан кўрди-ку! 2015 йилнинг сентябр бошларида давлат тўнтариши ниятида ўзининг унга давлат ва ҳукумат ишониб топширган ваколатидан суиистеъмол қилган ҳолда, давлат ва ҳукуматга қарши чиқди-ку!?.

Яхшиямки, Тожикистон Хавфсизлик идораси ҳамда кучга эга тизимлар унинг бу қабиҳ режасидан ўз вақтида огоҳ бўлишиб, яна бир қонли муҳорабанинг олдини олишди. Генерал Ҳалимзода эса, Ромит дарасига чекинишга мажбур бўлди. Ва хиёнаткор генералнинг асил «дирижёр»лари ким эканлиги ҳам барчага маълум бўлиб қолганди ўша кунларда…

Кабирий ҳам, унинг ортида «дирижёр»лик қилиб турганлар ҳам, шуни яхши билиб олсинларким, Тожикистон халқи кимнинг ким эканлигини яхши билади. Ўтган асрнинг 90-йилларидаги Тожикистонда бўлиб ўтган ички низолар ким томонидан содир этилганлиги-ю, юз минглаб бегуноҳ инсонлар қони нима сабабдан тўкилганини яхши эслашади. Улар эндиликда Кабирий ва Кабирий кабилар ортидан ҳеч қачон эргашишмайди. Чунки уларнинг асл режалари нимадан иборат эканлигини халқ яхши билади. Чунки уларнинг асл башарасидан халқ воқиф. Эндиликда улар Европага жойлашиб олиб, ўзларини ҳар қанча озор чеккан, бегуноҳ мусича қилиб кўрсатишмасин, барибир, халқ уларнинг асл башараларини яхши билади ва уларнинг ҳеч бир найрангига учмайди ва эргашмайди ҳам!

Бу ҳақда жуда кўп ёзиш мумкин. Бироқ ақлли одамга шунинг ўзи кифоя, деган ақидада мақолага нуқта қўяркинман: «Иккиюзламачилик ҳам эви билан-да, жаноб Мўсавий», - демоқчиман.

*Маҳмад ДОВУДЗОДА,*
*сиёсий шарҳловчи.*

## Европа

*Белгия*

### Қасддан уюштирилган ҳужум

Белгияда автомобил ҳайдовчиси зиёфат қатнашчиларига қасддан ҳужум уюштирди. Уларнинг 4 нафари турли жароҳатлар олди, бир кишининг аҳволи оғир. «Belga» агентлиги шу ҳақда хабар берди. Воқеа Люксембург провинциясидаги Ассенуа шаҳрида рўй берди.

Агентликнинг прокуратура вакилига асосланиб хабар беришича, ичида уч киши бўлган автомобил одамлар устига бостириб борган.

Гувоҳларнинг тезкор хатти-ҳаракатлари натижасида ҳужум уюштирган шахслар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан бир соат ичида қўлга олинган.

*Испания*

### Аввал Барселона... сўнгра Камбрилс

17 августда Барселонада фургон ҳайдовчиси пиёдалар устига бостириб борди. Бир неча соатдан кейин шундай террорчилик амалиётини Барселонадан 100 километрча узоқликда жойлашган Камбрилсда амалга оширмоқчи бўлишган.

Полиция Барселонадаги террорчилик амалиётига алоқадор бўлган барча жангариларни йўқ қилди. «El Pais» нашрининг маълум қилишича, Мусса Укабир, Саид Аълла ва Муҳаммад Хичами Камбрилс шаҳрида йўқ қилинганлар. Барселонада қўлга олиш вақтида ўлдирилган тўртинчи террорчи, Жирон вилоятида яшаган Юнус Абуёқуб бўлган.



Барселонадаги террорчилик амалиётидан кейин жиноятчилар «Audi» маркали машинада кетиб, Камбрилс шаҳрида тўхташдан бош тортганларидан кейин полициячилар томонидан отиб ташланганди.

Барча жангарилар 17 ёшдан 24 ёшгача бўлган марокашликлардир.

Маълумотларга кўра, террорчилик амалиётининг бевосита ижрочиси сифатида Мусса Укабир айтилмоқда. Полиция фикрича, одамлар устига бостириб борган юк машинасини у бошқарган.

Мусса Укабир аввалроқ террорчилик амалиётига алоқадорликда гумон қилинган Дрисс Укабирнинг укаси бўлиб, у акасининг паспортини ўғирлаб кетган. Мусса акасининг паспорти билан Санта-Перпетуа-де-Могода муниципалитетида иккита фургонни ижарага олган.

Охирги маълумотларга кўра, Барселонада амалга оширилган террорчилик амалиёти оқибатида 15 киши ҳалок бўлган, 130 нафардан кўпроқ одам жароҳат олган.

Барселона ва Камбрилсдаги террорчилик амалиётлари натижасида 34 мамлакат фуқаролари ҳалок бўлди ва жароҳатланди. Бу ҳақда Каталониянинг фавқулодда вазиятлар хизмати хабар берди.

*Финляндия*

### Пичоқ билан ҳужум

Финляндиянинг Турку шаҳри кўчаларида одамларга пичоқ билан ҳужум қилиниши оқибатида бир киши ҳалок бўлди, икки киши яраланди. Жабрланганлар ҳақида маълумот аниқлаштирилмоқда.

Маълум қилинишича, бир неча киши шаҳар марказида одамларга пичоқ билан ҳужум қилган. «Yle» нашри маълумотларига кўра, улардан бири оёғидан яраланиб, ҳибсга олинган. Полиция шаҳарнинг Пуутори ва Кауппатори майдонларида махсус амалиётни давом эттирмоқда.

## Осиё

*Сурия*

### Тинч аҳоли ҳалокати

АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция ҳарбий-ҳаво кучлари авиазарбалари оқибатида Сурияда тинч аҳолидан 80 киши ҳалок бўлди.

ТАСС ахборот агентлигининг «Ал-Муядин» телеканалидан иқтибос келтирган ҳолда, хабар беришича, бир авиазарба Сурияниң жануби-шарқидаги Хасек вилоятининг Ал-жазъа аҳоли пунктидаги масжидга тўғри келган. Бу вақт масжидда ибодат жараёни бўлиб, оқибатда 41 киши ҳалок бўлган.

Коалиция авиациясининг Дамашқдан 520 километр узоқликда жойлашган Ракқа шаҳрининг Харет-ал-Бадави минтақасига берган зарбалари яна 40 одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Гувоҳларнинг айтишича, бу ҳудуд ИШИД террорчи гуруҳи назоратида эмас.

*Афғонистон*

### Самарали амалиётлар

- «Афғонистон ҳарбий кучлари томонидан бир кунда 115 нафар жангари йўқ қилиниб, яна 105 нафари жароҳатланди», - деб хабар берди Афғонистон мудофаа вазирлигидан иқтибос келтирган ҳолда, «Синхуа» ахборот агентлиги.

- «Афғонистон мудофаа ва хавфсизлик кучлари ўтган ҳафта мамлакатнинг 34 вилоятидан 13тасида 20та тозалаш амалиёти, 22та махсус амалиёт ва кечки рейдлар ўтказдилар. Натижада 115 жангари йўқ қилинди, улардан 105 нафари жароҳатланди ва 3 нафар жангари ҳибсга олинди», - дея агентлик мудофаа вазирлиги баёнотидан иқтибос келтириб ўтди.

Маълум қилинишича, мудофаа ва хавфсизлик кучлари 3та транспорт воситаси, 16та мотоцикл ва 5та бункерни йўқотиб, қурол ва ўқ-дори захираларини мусодара қилган.

*Қатар*

### Саудия Арабистони самолётлари қайтарилди

Саудия Арабистони қироли Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд буйруғи билан ҳаж зиёратчилари учун Қатар пойтахти Доҳага юборилган самолётларга Қатарда қўниш рад этилди. Бу ҳақда «Sky News Arabia» телеканали хабар берди.

Яқинда Саудия Арабистони қироли қатарлик зиёратчилар учун чегараларни очишга ҳамда ўз ҳисобидан уларни Доҳадан Саудия Арабистонига етказишга буйруқ берганди. Қирол амрида, шунингдек, қатарликлар учун қуруқликдаги Салва чегара терминали очилиши ҳам кўзда тутилганди.

Таъкидланишича, 100 нафардан кўпроқ қатарликлар ҳаж амалини адо этгани ушбу терминалдан Саудия Арабистонига ўтишган. Божхона хизмати вакиллари зиёратчиларнинг манфаати учун кун бўйи ишлаш тартибига ўтишга тайёрликларини айтишган.

*Башар АСАД:*

### - Эрдоган сиёсий тиланчи ролини ўйнамоқда

- «Сурия президенти Башар Асаднинг маълум қилишича, Дамашқ Туркия президенти Режеп Тайип Эрдоганни эндиликда ўз шериги, деб билмайди. У бу ҳақда Сурия ТИВ дипломатик ходимлари йиғилишидаги чиқишида айтиб ўтди», - деб хабар берди SANA.



Асаднинг сўзларига кўра, Туркия террорчиларни қўллаб-қувватлашига оид ҳолатлар пайдо бўлгач, Эрдоган «сиёсий тиланчи ролини ўйнамоқда».

- «Шунинг учун Сурия унга ишонмаяпти, Туркия томонини на шерик, на кафил сифатида қабул қилмоқда», - дея таъкидлаб ўтди Сурия раҳбари.

## Қўшни давлатларда

*Ўзбекистон*

### Сайёҳлик соҳасида ҳамкорликлар

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси таркибида Бишкекка ташриф буюрган ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев билан учрашди. Бу ҳақда ТИВ матбуот хизмати хабар берди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, 2016 йил декабр ойида Самарқанд шаҳрида ва 2017 йил июн ойида Остона шаҳрида олий даражадаги учрашув ва музокаралар доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Учрашувларда янгича динамика касб этган ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаол ривожлантириш ҳамда транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, туризм соҳаларида алоқаларни чуқурлаштиришга келишиб олдилар.

*Қирғизистон*

### Собиқ депутат қамалди

Қирғизистоннинг «Ата Мекен» партияси етакчиси, Жогорку Кенеш депутати Омурбек Текебаев 8 йилга озидликдан маҳрум этилди. Бу ҳақдаги қарор 16 августда чиқарилди.

Коррупция иши бўйича Текебаев билан бирга судланаётган, муваққат ҳукумат таркибида фавқулодда вазиятлар вазири бўлган Дуйшенкул Чотонов ҳам 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Суд айбланувчиларнинг айбини тўлиқ исботланган, деб топди.

Маълумотларга кўра, Текебаевга қарши жиноий иш қўзғатилишига россиялик тадбиркор Леонид Маевскийнинг аризаси сабаб бўлган. Аризага кўра, россиялик 2010 йилда Текебаевга муваққат ҳукумат миллийлаштирган «MegaCom» уяли алоқа операторини сотиш масаласини ижобий ҳал қилиш учун 1 миллион доллар берган. Бу битимда Чотонов воситачилик қилган.

*Қозоғистон*

### Лотин алифбосига ўтилади

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатнинг лотин алифбосига ўтиши борасида гап-сўзларга жавоб берди. "Хабар" телеканалида гапирган Назарбоев лотинчага ўтиш рус тилидан ва унда ишлатиладиган кириллчадан воз кечишни англатмаслигини айтди.



- «Лотин алифбосига ўтганимиз билан биз рус тилидан қочиб кетамиз, деганимиз йўқ. Лотинчага ўтиш рус тилидан, кириллчадан воз кечтириш, дегани эмас. Лотинча биринчи навбатда, қозоқ тилига тааллуқли бўлади. Қозоғистондаги рус тилида сўзлашувчилар учун рус тилида чоп қилинадиган барча нашрлар кирилл имлосида қолади», - деди у.

Назарбоев лотин алифбосига ўтиш муҳим масала эканлиги ва бу борада катта ишлар қилинаётганини айтиб ўтди.

- Яқинда бу борада шуғулланаётган олимлар, тилшуносларни бир ерга тўплаб, маслаҳатлашиб, бир хулосага келамиз, - деди Назарбоев.

*Афғонистон*

### Етакчи йўқ қилинди

- «Афғонистон шимолидаги Жузжон вилоятида ўтказилган ҳарбий амалиёт чоғида «Толибон» ҳаракатининг етакчиларидан бири Мулла Муҳаммад Раҳим ўлдирилди», - деб хабар қилди «Синхуа» ахборот агентлиги.

Афғон полицияси расмий вакили Саид Сарвар Хусайнийнинг сўзларига кўра, амалиёт чоғида 5 нафар жангари йўқ қилинган.

## Қисқа сатрларда

АҚШ президенти Доналд Трамп яқинда АҚШнинг Афғонистондаги қўшинларининг сони оширилиши ва бу давлатга қўшимча 4 минг ҳарбий юборилишини эълон қилди. Бу ҳақда Трамп маъмуриятидаги ўз манбаларидан иқтибос келтирган ҳолда, «CBS» телеканали хабар берди.

***

Малакка бўғози ва Сингапурдан шарқда «Alnic MC» савдо кемаси ва АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг «John S. McCain» ракета эсминеци тўқнашиб кетди. Бу ҳақда АҚШ ҲДК 7-флотининг сайтида маълум қилинган.

***

«Tesla» раҳбари Илон Маск ва «DeepMind» компанияси асосчиси Мустафо Сулаймон автоном қуролни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишни тақиқлаш зарурлиги тўғрисидаги мактубни имзолашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига йўлланган мактуб, шунингдек, дунёнинг 26 мамлакатидаги 114 нафар мутахассис томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.



***

Интернетда хитойлик ва ҳиндистонлик аскарлар ўртасидаги оммавий муштлашув видеоси пайдо бўлди. Бир қатор ҳинд ОАВ маълумотларига кўра, муштлашув Ҳимолай минтақасида юз берган.

***

Каталония ҳукумати автоном жамиятда яшовчи барча мусулмонларни «жиноятчи деб атамаслик»ка чақирмоқда, мусулмон ҳамжамиятлари эса, терроризмга қарши намойишлар ўтказмоқда.



***

Австрия ташқи ишлар вазири Себастян Курцнинг маълум қилишича, Туркия президенти Режеп Тайип Эрдоганнинг бошқа давлатлар сиёсатига аралашишини қабул қилмайди. Бу ҳақда «Die Welt» хабар берди.

***

Испаниялик полициячилар Алканар шаҳридаги уйлардан бирида тахминан 120та газ баллонини топди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимларининг тахминича, террорчилар Барселонада яна бир ҳужум уюштириш учун портловчи қурилмани тайёрлашмоқчи бўлишган. Бу ҳақда AFP полиция маълумотига асосланиб хабар қилди.

***

Сурия пойтахти Дамашқдаги халқаро кўргазма ҳудуди ракета ёрдамида ўққа тутилганидан сўнг тўрт киши ҳалок бўлди ва яна камида тўрт нафари жароҳат олди.

***

Эрон президенти Ҳасан Руҳонийнинг маълум қилишича, мамлакат учун ташқи сиёсатдаги энг устувор йўналишлардан бири ядро дастури бўйича келишувни сақлаб қолиш билан боғлиқ. Бу ҳақда «Интерфакс» хабар тарқатди.

***

Рипол шаҳарчасидаги 500га яқин киши, асосан, марокашликлар қатновчи масжид имоми Абдулбоқий Ас-Саттий Барселонадаги террорчилик амалиётини ташкил қилишда гумон қилинмоқда. Тахмин қилинишича, портловчи моддалар сақланган бинода шу кишининг қолдиқлари топилган. «El Pais» шу ҳақда хабар берди.



***

- «Буюк Британия қироличаси Елизавета II тахтдан уни валиаҳд шаҳзода Чарлзга бериш мақсадида воз кечмоқчи эмас», - деб хабар тарқатди «The Sunday Times» газетаси қироличага яқин манбаларга асосланиб.

√ **Ҳиндистон**

### Муносиб тақдирланган ҳалоллик

Ҳиндистонда 15 ёшли ўсмир Вишал Упадхайя қиймати 4,5 миллион рупий (70 минг доллар)ни ташкил қилувчи бриллиантлар солинган қопчиқни топиб олди ва уни ичидагилари билан эгасига қайтариб берди. Бу ҳақда NDTV телеканали хабар тарқатди.

Воқеа Сурат шаҳрида юз берган. Вишал отаси билан бирга Сурат олмос уюшмасига мурожаат қилиб, қопчиқ эгасини топа олган. Қопчиқ эгаси брокер бўлиб чиққан ва уни омбордан чиқаётганда тушириб қўйган.



Уюшма ўсмирга ҳалоллиги учун миннатдорлик билдирган ва тантанали маросим уюштириб, унда Вишалнинг ўқишини бир йил давомида молиялаштирмоқчилигини маълум қилган.

- «Олмос уюшмаси Вишалнинг ҳалоллиги учун мукофот сифатида унинг ўқишини бир йил давомида молиялаштиришни ўз зиммасига олади. Вишалнинг келажаги унинг ўзига боғлиқдир, бироқ ўйлашимча, ушбу ақли расо бола бу имкониятдан 100 фоизга фойдалана олади», - деб айтган уюшма президенти Динеш Навадия.

√ **Коинот**

### Ерга улкан астероид яқинлашмоқда

NASA коинот агентлиги кузатувлар олиб боришни бошлагандан бери қайд қилинган энг катта астероид сайёрамизга 1 сентябрда яқинлашади.



NASAда таъкидланишича, «Флоренс» деб номланган бу само жисми Ерга хавф солмайди. Коинот агентлиги ушбу астероид парвози траекториясини кўрсатувчи видеоролик чиқарди.

Диаметри 4,5 километр келадиган астероид сайёрамиздан 7 миллион километр наридан учиб ўтади. У Ерга яна 500 йилдан кейин яқинлашади.

## Сирли олам

**НИМА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН?**

√ **Рекорд**

### «Суперпалов» тайёрланди

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида «Milliy» телеканали ташаббуси билан Ўзбекистондаги энг катта палов тайёрланди. Экспертларнинг қайд этишларича, рекорд миқдордаги ушбу таомнинг оғирлиги 6 тоннани ташкил этди.



Палов диаметри 4,2 метр, ҳажми деярли 8 минг литр бўлган қозонда тайёрланди. Ушбу қозон Олмалиқ кон-металлургия комбинатида мазкур тадбир учун махсус қуйилди. Қозоннинг умумий оғирлиги 7070 килограмм, чуқурлиги 1 метр. Ўчоқнинг оғирлиги эса, деярли 3 тоннани ташкил қилди.

Паловни тайёрлаш учун рекорд миқдордаги масаллиқлардан фойдаланилди. Жумладан, 826 килограмм мол, 825,5 килограмм қўй гўшти, 195 килограмм думба ва энг асосийси, 1 650 килограмм гуруч қозонга солинди. Шунингдек, 2 400 килограмм сабзи, 185 килограмм пиёз, 350 литр ўсимлик ёғи, 480 килограмм туз ишлатилди ҳамда 4,5 килограмм зира, 165 килограмм зирк, 90 килограмм нўхат ва 3 килограмм қора мурч билан паловнинг таъми ростланди.

Ушбу паловни тайёрлаш учун Ўзбекистоннинг 50 нафардан зиёд таниқли ошпазлари жам бўлишди. Улар таомни 2 метрдан узунроқ капгирларда аралаштириб, сузишди.

√ **Ажойиб**

### Никоҳ узугини таққан сабзи

- «Канадалик аёлнинг никоҳ узуги йўқолиб қолгандан 13 йил ўтиб, томорқасидан топилди», - деб хабар тарқатди «BBC News».

Мэри Грамс бриллиант кўзли узугини 2004 йилда Алберта вилоятидаги оилавий фермада пуштани ўтаётганда йўқотиб қўйган. Аёл бу ҳақда фақат ўғлигагина айтган, у буни қолганлардан, жумладан, турмуш ўртоғидан сир тутган.



Грамс йўқотилган узук ўрнига бошқа арзонроқ узукни тақиб юрган ва сир бой бермаган.

Ўтган ҳафтада унинг келини таом тайёрлаш учун томорқадан бир нечта сабзини юлиб олиб, уларни юваётганда узукни топиб олган. Аниқланишича, сабзи узук орасидан ўсиб чиққан. Аёлнинг ўғли бу узук кимга тегишли эканлигини дарров фаҳмлаган.

Аёл буни билгандан кейин, 5 йил аввал вафот этган эридан ҳақиқатни яширганидан афсусланган. Аёлнинг фикрича, турмуш ўртоғи эҳтимол бу ҳолатни кулгили, деб топган бўларди.

Кекса аёл келгусида қимматбаҳо буюмларга эътиборлироқ бўлишини айтган.

«BBC News»нинг таъкидлашича, шунга ўхшаш воқеа 2011 йилда Швецияда содир бўлган: ўшанда бир аёл йўқотиб қўйган никоҳ узугини 16 йил ўтиб сабзида топган.

√ **Жанубий осиё**

### Ҳалокатли сув тошқинлари

Жанубий Осиёда юз берган тошқинлар оқибатида камида 700 киши ҳалок бўлган, ярим миллиондан кўпроқ киши эса, ўз уйини тарк этишга мажбур бўлган.

Таъкидланишича, 20 августга ўтар кечасининг ўзида 100 киши ҳаётдан кўз юмган. Табиий фожиа бир ҳафтадан бери давом этмоқда.



Тошқинлар Бангладеш, Непал ҳамда Ҳиндистоннинг Ассам, Бихар ва Ғарбий Бенгалия штатларини қамраб олган. Ҳиндистоннинг 900 минг, Бангладешнинг 300 минг кишиси вақтинчалик бошпаналарда яшамоқдалар.

√ **Бразилия**

### Хавотирли булут

Тушаётганда тўхтаб қолган комета ёки мушт қилиб турган қўл кўринишидаги булут Бразилия жанубидаги Тейшейра-де-Фрейтас шаҳри одамларини қўрқитиб юборди.

Воқеа гувоҳлари булутни суратга ва видеога олишди. Уларнинг айтишича, булут ҳам чиройли, ҳам қўрқинчли кўринган, қуёшнинг ботиши эса, унга қўрқувга солувчи олов тусини берган.

Баъзи кузатувчилар торнадо пайдо бўлишини кутишган, бироқ булут бироздан кейин тарқалиб кетган.

√ **Швеция**

### Фаластингача пиёда бориш режаси

Швециядаги яҳудийлар жамоасининг фаоли Бенжамин Ладраа Фаластинга пиёда жўнади. Унинг мақсади Исроил томонидан эгаллаб олинган ерларда яшовчи аҳоли билан бирдам эканини билдиришдир.

- «Ладраа Гётеборг шаҳридан 15 август куни елкасига Фаластин байроғини ташлаб олган ҳолда йўлга чиқди», - деб хабар берди «Анадолу».

Фаолнинг сўзларига кўра, Фаластин муаммоси ва ушбу халқнинг бошидан ўтказаётган азоб-уқубатга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиш мақсадида 4 800 километр масофани босиб ўтишни режалаштирган.

- «Исроил Ғазода фосфорли бомбаларни қўлламоқда. Шифохона, мактаб ва аҳоли турар жойларига зарба берилмоқда. Исроил Ғазога гуманитар ёрдамни киритмаяпти, у ерда эса, аҳоли сув танқислигидан азият чекмоқда. Исроилликлар Ғазо сектори билан чегарада бетон девор қурмоқда. Фаластин халқининг азоб-уқубатлари мени акцияни бошлашга ундади, уни Фаластинда якунламоқчиман», - деди Ладраа.



*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

## Адабий дўстлик

***Узоқ йиллар қатор илмий муассасалар, шунингдек, Тожикистон Республикаси Президенти ижроия аппарати ахборот-таҳлиллар бўлими раҳбари, Тожикистон Ҳукумати қошидаги Телевидение ва радиоэшиттириш комитети раиси ўринбосари вазифаларида фаолият юритган, айни пайтда Тожикистон Ҳукумати қошидаги "Ховар" Тожикистон миллий ахборот агентлиги масъул котиби сифатида хизмат қилаётган, биринчи даражали "Шараф" ҳамда "Дўстлик" орденлари соврindори, Тожикистон маданияти аълочиси, адабиётшунос олим, моҳир таржимон, устоз Абдураҳмон Абдуманнонов билан тожик ва ўзбек миллати тимсолида дўстлик мавзуси атрофида суҳбат уюштирдик. Суҳбатнинг қисқача мазмуни билан қуйида танишасиз.***

# ТОТЛИДИР БОЛДАН, АСАЛДАН, ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН…



**- Устоз, бугунги суҳбатимизни жондош, қон-қариндош бўлган тожик-ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик, адабий ҳамкорлик мавзусида ўтказсак, дегандим…**

- Марҳамат. Дарҳақиқат, бу икки халқнинг дўстлик ва адабий ҳамкорлик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Замонасининг буюк мутафаккирлари, олиму шоирлар Абдураҳмон Жомий ҳазратлари билан Алишер Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик анъанаси бу икки халқ донишмандлари даврасини то ҳануз тарк этган эмас.Навоийдан кейинги даврларда ҳам тожик, ўзбек шоирлари орасида зуллисонайнлик урфга кириб, давом этганлиги гувоҳи бўламиз. Тожик шоирлари ўзбекчада ҳам бемалол ижод қила олганлар, ўз ўрнида, ўзбек шоирлари ҳам форсча-тожикча тилда қалам тебратганлар. Кейинчалик, хусусан, XIX аср ўрталаридан XX аср ўттизинчи йилларига қадар Мовароуннаҳрда яхши бир адабий анъана-зуллисонайнлик давом этди ва ўз навбатида, тожик-ўзбек халқларининг бир-бирини танишлари ва тушунишлари учун жуда яхши шароит яратиб берди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Қўқон, Хива, Хўжанд адабий мактаблари ва Марказий Осиё бошқа шаҳарларида зуллисонайнлик одатий адабий ҳодисага айланди. Масалан, Фазлий Намангонийнинг "Мажмуатуш-шуаро" асарида келтирилган маълумотларга қараганда, ўзи ўзбек ва тожик тилларида шеър ёзган Амир Умархон (1809-1822) ҳукмронлиги даврида Қўқон адабий муҳитида Мовароуннаҳрнинг турли минтақаларида икки тилда ижод қилувчи 50дан ортиқ шоир жамланган. Улар орасида Нодира ва Маҳзуна каби шоиралар бўлганлар. Хива адабий мактаби вакиллари эса, Фирдавсий, Низомий, Хайём, Саъдий, Жомий, Ҳилолий, Восифий ва бошқа тожик-форс классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилишган.

**- Бу яхши анъана Шўролар ҳукмронлиги даврида қандай тус олди? Адабиётшунос олим сифатида бу ҳақда нима дея оласиз?**

- Бу анъана Шўролар ҳукмронлиги даврида ижобий тус олганлигига барчамиз гувоҳмиз. Айтиш мумкинки, икки тилда ижод қилиш анъанаси ўтган асрнинг 30-йилларига қадар кенг тарқалган эди. Таниқли тожик адиблари, жумладан, Ажзий, Фитрат, Айний XX аср бошларида ўзбек тилида жуда кўп асар ижод қилишган, шунингдек, ўзбек шоирлари Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Муҳйи Ҳўқандий, Табибий, Ҳақирий, Баёнийлар тожик тилида ҳам равон шеърлар ёзишган. Шунингдек, Ўзбекистонда туғилиб, дастлабки ижодларини у ерда бошлаган Ғани Абдулло, Фотеҳ Ниёзий, Юсуф Акобиров ва бошқа тожик адиблари ҳам биринчи асарларини ўзбек тилида ёзишган. Устоз Айний ва Абдулло Қодирий, Мирзо Турсунзода ва Ғафур Ғулому Зулфия, Боқи Раҳимзода ва Абдулло Қаҳҳор, Лойиқ Шерали ва Эркин Воҳидовлар ўртасидаги ижодий алоқа ва дўстлик тожик ва ўзбек халқлари адабий алоқаларининг яхши намунасидир.

**- Ўзбегу тожикни эт билан тирноққа ўхшатишади. Ҳатто устоз шоиримиз, раҳматли Ўлмас Жамол бир байтларида:-" Аз қадим ўзбегу тожик - эт билан тирноқ эрур",-дея васф этади…**

- Тўғри, бу аслида ҳам шундай. Халқ билиб баҳо беради. Инсон тана аъзосидаги эт билан тирноқни бир-биридан ажратиб бўлмагани каби бу икки миллатни ҳам ҳаргиз ажратиб бўлмайди. Асрлар давомида қуда-андачилик ортидан қон-қариндош бўлиб кетган бу икки халқ Яратганнинг хоҳиш иродаси билан ёнма-ён қўшни ҳамдир. Қўшнини эса, Худо ато этади. Марказий Осиё халқлари орасида урф-одат, ҳаёт тарзи, оила ва қариндош-уруғчилик қадриятларига риоя этиш, муомала ва суҳбатдаги одоб-ахлоқ, тўй-ю мотам ҳамда хурсандчилигу қайғули кунлардаги маросимларимизнинг ўхшашлигида бошқа бирор халқ, ҳатто биз билан ҳамзабон бўлган халқлар ҳам ўзбекларчалик бизга яқин эмас. Тожик ва ўзбек халқларидаги бундай ўхшашлик бир-икки аср давомида эмас, балки асрлар давомида бир жойда ҳаёт кечириш, бир-биридан доимий равишда ўрганиш ва тарих давомида тақдирлари бирлиги боис шаклланган. Буларнинг барини бугун жамият ҳаётининг барча соҳалари - кундалик ҳаёт, ахлоқ, маданият ва санъатда яққол кўриш мумкин.

**- Тожикистон-Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги муносабатлар янгича тус олмоқда. Бу икки қўшни давлатлар ўзаро олди-берди, борди-келдилари анчайин жонланиб бормоқда…**

- Бугун Тожикистонни жаҳон танийди, бугун Тожикистон маҳсулотлари турли республикаларда намойиш этилмоқда ва ўз ўрнида бошқа республикалару давлатлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намойишини ўтказиш учун Душанбе имкон яратиб бермоқда. Чунончи, мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 2016 йил охирида бўлиб ўтган сўнгги йиғилиши чоғида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш доирасида ўтказилган бир қатор тадбирлар бу иккки дўст давлатнинг ўзаро ҳамкорликлари янги босқичга кўтарилаётганлигини мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган қатор тадбирларда кўриш мумкин. Мана, ҳадемай, Ўзбекистонда Тожикистон маданияти кунлари ҳамда Тожикистон маҳсулотлари намойиши ўтказилиши кутилмоқдаки, бу яхши қўшничилик принципларига амал қилиш, демакдир. Ва бу таҳсинга сазовордир, албатта.

**- Яхши қўшничилик принциплари, деганда нимани англаймиз?**

- Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмон юргизаётган сиёсат бошдан-оёқ тинчлик ғояларига йўғрилган бўлиб, бугунгача ён-атроф ва жаҳон бўйлаб мамлакатмизнинг ана шу сиёсати қанот қоқмоқда. Ўтган йиллар у киши бошчилигида олиб борилган сиёсатнинг ижобий натижасини биз ҳар қадамда учратишимиз мумкин. Республика турли гўшаларида олиб борилаётган турли кўринишдаги ободончилигу бунёдкорликлар, айнан, ана шу тинчлик сиёсати меваси эканлиги ҳам барчага ойдай равшан. Чунончи, яхши қўшничилик принципларига амал қилишда ҳам. Зеро, бу - инсоний бурч. Бундай масъулият ижроси ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бир йил муқаддам қўшни Ўзбекистон халқи бошига оғир мусибат тушиб, ўз давлат раҳбарларидан айрилиб қолди. Ана шундай мусибатли онларда Президентимиз Эмомали Раҳмон Жаноби олийлари биринчилардан бўлиб, оддий инсонийлик, яхши қўшничилик олий намуналарини яна бир бор кўрсатдилар. Биринчилар қатори таъзия телеграммаси жўнатган Президентимиз дарҳол сафарга отланиб, қўшни давлат раҳбари дафн маросимларида тўлиқ иштирок этиб, марҳум тобутини кўтардилар, биринчилардан бўлиб таъзия нутқини сўзладилар. Ушбу маросимда шахсан ўзлари иштирок этиб, қўшничилик ҳақини мукаммал, олий даражада бажардилар.

**- Ўзбекистоннинг янги президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳақида, ҳатто мухолиф сайтлару газеталар ижобий фикр билдирмоқда. Сиз, олим, таниқли адиб ва тажрибали журналист сифатида бу борада нима дейсиз?**

- Мен асли Ўзбекистонда туғилиб ўсганман. Болалигим Тошкентнинг Бўстонлиқ райони Боғистон қишлоғида ўтган. Қавму қариндошлар, дўсту ёрлар зиёратига бориб тураман. У ердаги суҳбатларда Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳақида ҳамиша илиқ фикр эшитганман. Унда у киши ҳали вилоят раҳбари, Бош вазир сифатида фаолият юритган пайтлари эди. Президент этиб сайланганларидан кейинги ижобий ўзгаришларни ҳамма бирдай кузатиб турибди. У кишида бир раҳбар учун лозим бўлган барча сифатлар - тажриба ҳам, билим ҳам, ишбилармонлик ҳам етарли. У кишининг барча қўшнилар, давлатлар билан яхши муносабатларни йўлга қўяётганини фақат олқишлаш мумкин.

**- Устоз, суҳбатимиз азиз Ватанимиз Истиқлолият байрами арафасида ўтказилар экан, муштарийларимизга тилак билдирсангиз, дегандим.**

- Газета муштарийларига эзгу тилакларим шу: осмонимиз ҳамиша мусаффо, турмушимиз фаровон, дастурхонимиз файзли, экин-тикинларимиз баракатли,тинчлигимиз мустаҳкам бўлсин. Азиз Ватанимиз ҳамиша гуллаб яшнасин. Ўзбегу тожик миллати ўртасида ҳам дўстлик абадий бўлиб, халқларимизнинг қардошларча бориш-келишлари асло узилмасин, дейман.

**- Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

*Суҳбатдош:*
*Абдулло САИДОВ.*

## Бир пиёла чой устида суҳбат

***Тошматов Абдуваҳоб Эсонбоевич 1953 йилнинг 13 март куни Регар қишлогида тугилган.***

***Шу қишлоқдаги 23-ўрта мактабда таҳсил олган. Болалигидан санъатга меҳр боглаган. Мактабдан сўнг, Ватан мудофаачилари ташкилотидаги ҳайдовчилик курсини битиргач, 1971-1973 йилларда Германия Демократик Республикасида ўз йигитлик бурчини ўтаб келган. Сўнгра савдо техникумида таҳсил олган. 1973 йилдан бошлаб шаҳримиз ва республикамиз миқёсидаги «Бўстон» ва бошқа кўплаб кўрик-танловларда фаол қатнашиб келган.***

# Қўшиқ айтсанг, кўнгилларга сингиб кетса…

Элимизнинг севимли санъаткори Абдуваҳоб Тошматов ёшлик йилларидан бошлаб ўзбекнинг асил ва бетакрор ҳофизи Шерали Жўраев санъатининг мухлисига айланди ва кўплаб тадбирларда устоз санъаткорнинг қўшиқларини қойилмақом қилиб ижро эта бошлади. Шу билан биргаликда, Бобораҳим Машраб ғазалларини мақом йўналишида ижро этишга катта эътибор берди. Тиришқоқлиги ва изланувчанлиги туфайли устоз Шерали Жўраевнинг эътиборига тушди. Устознинг маслаҳатлари ила репертуарини янги қўшиқлар билан бойитиб борди. Ўзбек миллий чолғу асбобларини чалишни қунт билан ўрганди.

-Ҳар бир янги қўшиғимни халққа тақдим этишдан аввал устозим Шерали Жўраевнинг назаридан ўтказар эдим, - деб хотирлайди Абдуваҳоб ака.

Ёш санъаткор илк қўшиғини ёзиб, ижро этганида, йигирма ёшда эди:

**Дилоромим, ушбу кун ҳолим сўраб қошимга кел,**
**Шаршарангга қилма маст, боғу бўстонимга кел.**
**Сен билан бўлсам кетур бу ғаму ҳасратларим,**
**Шоҳиди оҳанг бўлиб, ашку ашъоримга кел.**

Абдуваҳоб Тошматов шоир Ҳайдар Яҳё қаламига мансуб бўлган Анвар Тилланазаров ижро этган «Онажон каъбам ўзинг, сенсиз жаҳонни на қилай», деб бошланувчи шеърини маҳорат билан куйга солиб, элу юртнинг эътиборига тушди. Ҳофизнинг ширали овози, бетакрор ноласи ва торни маҳорат билан чалиши тингловчилар қалбини тўлқинлантириб юборар эди. Шахсан мен ҳамиша Абдуваҳоб аканинг ушбу қўшиғини севиб тинглардим.

Етмишинчи-саксонинчи йилларда ҳофиз шоир Олимхон Суярхонов қаламига мансуб «Вафодор тожикмиз, бахтиёр ўзбек», раҳматли шоир Абдумажид Бойхонов қаламига мансуб «Май саломи», «Хайр, Нодира», Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Саййид қаламига мансуб «Онажон», «Ёр-ёр», «Бой бува» ҳамда Шерали Жўраевга бағишланган «Шаҳр аро» каби қўшиқларини яратган бўлса, истиқлол йилларида шоирлар Маҳмуд Тоир қаламига мансуб «Куйлаб яшайлик», Ғойиб Назарнинг «Оғажон», Турғунали Абдуллаевнинг «Карвон», Темур Шукурнинг «Қўрқаман» ҳамда каминанинг «Ватан обод», «Тасанно» каби шеърларини куйлаб, мухлислар эътиборига ҳавола қилди.

Бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. 2008 йилда Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг 50 йиллик юбилейи сабабли шоирнинг таклифига биноан Абдуваҳоб ака ва марҳум шоир Абдумажид Бойхонов билан биргаликда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё районига бордик. Ўзбекнинг машҳур шоиру адиблари, Ўзбекистон Халқ Қаҳрамони, халқ шоири раҳматли Абдулла Орипов, халқ шоирлари Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, Азим Суюн, ёзувчи Эркин Аъзамов, Аҳмаджон Мелибоев ва бошқалар иштирок этган ушбу тадбирга кечикиброқ кириб бордик.



Давра мезбони шоир Сирожиддин Саййид бизни илиқ кутиб олар экан, Абдуваҳоб акани дарҳол саҳнага таклиф этди ва «Ватан обод» қўшиғини куйлаб беришларини илтимос қилди. Аслида ҳам Сирожиддин Саййидга «Ватан обод» ва «Тасанно» қўшиқлари маъқул бўлиб қолган ва шу туфайли мени ҳам ижодий кечага таклиф қилган эди. Кечада Абдуваҳоб аканинг ижро маҳоратидан завқланган давра аҳли ҳофиздан яна қўшиқ куйлашни илтимос қилганлари ёдимда. Сирожиддин аканинг қаламига мансуб «Ватан абадий» ва каминанинг «Тасанно» шеърига басталаган қўшиғини куйлаганида ўзбек зиёлилари мароқ билан тинглаганларига гувоҳ бўлганман:

**…Юз йилда бир дунёга келар экан буюк зот,**
**Адолат бўлган мулкда кўнгиллар ҳам бўлар шод.**
**Мардлар йўлбошчи бўлса, Ватан ҳам бўлар обод,**
**Эл дардини тинглаган ўғлонларга тасанно,**
**Ҳақ йўлини англаган инсонларга тасанно…**

Ушбу қўшиқ матнидан парча келтиришимга сабаб, 2006 йилда Ўзбекистон ёзувчилари нашри «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Абдуваҳоб Тошматовнинг ижоди ҳақида «Қўшиқ куйлаб яшайлик» номли мақола эълон қилинди (Муаллифи сурхондарёлик адиб Ахтамқул Карим). Мазкур мақолада Абдуваҳоб Тошматов репертуаридаги қўшиқлардан намуналар қаторида «Тасанно» шеърининг иккинчи банди ҳам келтирилган эди. Бировнинг молини ўзиники қилишдан тортинмайдиган бир хонанда ушбу бандга баъзи жумлаларни қўшиб, нақоратини эса, «султонига тасанно», дея ўзгартириб, турли давраларда ижро эта бошлайди. Аммо шеър матни ва қўшиқ ижроси билан таниш ўзбек зиёлилари ҳамда мамлакат раҳбарларининг ғашини келтирган қўшиқчи олқиш ўрнига дашном эшитади. Абдуваҳоб ака ҳам баъзи давраларда ижро сўнгида «султонларга тасанно», «шоир, ҳофизларга ҳам тасанно», дея лутф қилар эдилар. Шундай ҳолатларда мен «Абдуваҳоб ака, шу қўшимчалар сал ўхшамаяпти» десам, у киши «Дунёда тинчлик-хотиржамликни сақлаб туришда раҳбарларнинг хизматлари катта. Қолаверса, мен «султонига тасанно» эмас, «Юрт тинчлигин ўйлаган султонларга тасанно», деб айтаман. Ахир, бизнинг хотиржамлик билан тўй-томошаларда қўшиқ айтиб юришимиз тинчлик деган неъматнинг шарофатидан эмасми?» - дея жавоб берарди.

Абдуваҳоб ака саккиз фарзанд – олти ўғил ва икки қизнинг севимли отаси. Тўнғич фарзанди Муҳаммадшариф отасининг изидан бориб, миллий чолғу асбобларини маҳорат билан чалади. Бугунги кунда устоз санъаткорларнинг дилтортар қўшиқларини ижро этиш барабарида ўзи ҳам янги қўшиқлар яратиш устида меҳнат қилиб келмоқда. «Бедорман, эй дўст» номли қўшиқлари ёзилган аудио албомни мухлислар эътиборига ҳавола қилишга улгурди.

Устоз ҳофиз Абдуваҳоб Тошматов билан санъат ва адабиёт ҳақида суҳбатлашар эканмиз, Абдуваҳоб ака янги шеърий машқини менга узатди:

**Эй бproducer, бир дақиқа ортингга боқ,**
**Яратганга меҳр ила қалбингни ёқ.**
**Чин ибодат айламакни бўйнингга тоқ,**
**Адашдим, эй дўст, ёмон адашдим.**

**Ғийбатлардан пора-пора бўлди бағрим,**
**Сабр ила кўп юпатдим оташ қаҳрим.**
**Пок йўлларга бошлагувчи ўзинг Тангрим,**
**Адашдим, эй дўст, ёмон адашдим.**

**Сиз акамсиз, жуда зўрсиз деганларим,**
**Тўн ёпишиб, бирга палов еганларим.**
**Сал чалғисам, мендан юзин бурганларим,**
**Адашдим, эй дўст, ёмон адашдим.**

Кўп йиллар ўзга юртларда мусофирликда юрган жаҳонгашта инсон Абдуваҳоб Тошматовнинг ушбу мисраларини кўздан кечирар эканман, туйғуларнинг тасвири, ўз хатосини англаб етган инсоннинг иқрорига дуч келдим.

Ҳаёт йўлларининг пасту баланди, тақдирнинг эса, ёзилган ва ёзилмаган қонунлари мавжуд. Биз қанчалик орзу-ҳавас қилмайлик, машҳуру маъруф бўлмайлик, қисматнинг аёвсиз ҳукмлари олдида ожизмиз. Аммо қийин ҳолатларда ҳам умрнинг биз учун синов эканлигини унутмасак бас. Тақдирнинг оғир синовларидан мардлик ва шараф билан ўтмоғимиз, йўл қўйган хатолардан тўғри хулосалар чиқариб яшашимиз лозимдир.

Абдуваҳоб Тошматов ижросидаги Сирожиддин Саййид қаламига мансуб «Ватан абадий» қўшиғини тинглар эканман, Ватан соғинчи юрагини ўртаб юборган инсоннинг дардли ноласини туйгандек бўламан:

**Баҳрайн сувларига чайдим юзимни,**
**Насимлар эсдилар илиқ, арабий.**
**Кўксимни тўлдириб келди бир осмон,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

Халқимизда: - Ватанни севмоқ имондандир, - деган ҳикматли ибора мавжуд. Абдуваҳоб аканинг репертуаридан жой олган аксарият қўшиқлардан она-Ватан, ота-она, дўсту ёрга муҳаббат ва осойишталик ҳукм суриб турган дориломон кунлардан шукроналик туйғулари уфуриб туради. Бу каби қўшиқлар одамлар қалбида она-Ватан, элу юрт ва бир-бирларига нисбатан дўстлик ва меҳр-мурувват туйғуларини пайдо қилади. Муқаддас заминнинг ҳар заррасини тўтиёдек кўзга суртиб, унинг қадрига етмоғимизни англашга хизмат қилади.

*Ҳасанбой ҒОЙИБ, шоир.*

## СМС — СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ

Тел: 918-61-99-71

### ===== Мамлакатимизда =====

*Футбол*

### ЎҚУВ-МАШҒУЛОТЛАРИ ЯКУНИ

Ёшлар (U-19) терма жамоасининг «Осиё чемпионати-2018» турнирига тайёргарлик кўриш доирасида Туркияда ўтказган ўқув-машғулотлари йиғини якунига етди.

Ҳозирлик жараёнида Мубин Эргашев шогирдлари тўртта назорат учрашуви ўтказишди.

Сўнгги учрашувда «Анталия Кёрфезспор» клуби ёшларига қарши майдонга тушган юртдошларимиз 6:0 ҳисобида устунликка эришишди.

Тожик ёшлари олдинги ўйинларда «Анталия Кундуспор», «Анталяспор», «Аланияспор» жамоалари вакилларини ҳам мағлубиятга учратишган эди.

Эслатиб ўтамиз, қитъа чемпионати саралаш босқичининг «В» гуруҳи мусобақалари жорий йилнинг 31 октябридан 8 ноябригача Ҳисор шаҳри марказий стадионида бўлиб ўтади.

Унда мамлакатимиз ёшлар термаси Бангладеш, Шри-Ланка, Малдив ороллари ва Ўзбекистон намояндалари билан ўзаро куч синашади.

*Шаҳмат*

### МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ «ШОВ-ШУВ»И

Панжакент шаҳрида шаҳмат бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида Тожикистон чемпионати мусобақалари ўз ниҳоясига етди.

Эркаклараро мусобақаларда 11 имкониятдан 10 очко жамғаришга эришган Суҳроб Ҳамидов чемпионлак унвонига мушарраф бўлди.

Беллашувларда 8,5 очкодан тўплаган Амин Қобилов ва Алишер Каримовлар кучли учликка киришди.

Амалдаги мамлакат чемпиони Мустафохўжа Ҳусейнхўжаев ҳамда Азам Юнусовлар учинчи-тўртинчи ўринларни тақсимлаб олишди.

Аёллар ўртасида мавжуд имкониятлардан юз фоиз фойдаланиб, 11 очко жамлаган Мутриба Ҳотамий биринчи ўринни ишғол қилди.

Турнир «шов-шув»сиз ўтмади. Ўн ёшли Сабрина Абророванинг катталар ўртасидаги мусобақада 10 очко билан иккинчи ўринга даъвогарлик қилгани кўплаб шаҳмат мухлисларини ҳайратга солди.

Сарвиноз Каримова 8,5 очко билан кучли учликка якун ясади.

### ====== Жаҳонда ======

*Бокс*

### БАРЧА ДАВРЛАРНИНГ ЭНГ ЗЎРЛАРИ

Ўта оғир вазнли спортчилар ўртасида касбий бокснинг бир неча йўналишлари бўйича собиқ жаҳон чемпиони, украиналик Владимир Кличко ўз даврида жаҳоннинг энг зўр боксчилари кучли бешлиги – Топ-5 рўйхатини эълон қилди.



Афсонавий боксчи рўйхатнинг биринчи поғонасини Жо Руисга муносиб кўрди. Ҳатто унинг рекордини такрорлаёлмагани учун кичик Кличко афсус ҳам чекканини эслатиб ўтди.

Иккинчи жой ўз замонасининг машҳур чарм қўлқоп устаси Рокки Марчианога берилди.

Учинчи-тўртинчи ўринларга Томас Харнс ҳамда Муҳаммад Алилар жойлашишди.

-Бешинчиси ким?- деган саволга украиналик боксчи қуйидагича жавоб берди.

-Балки акамдир. Чунки собиқ жаҳон чемпионларидан бирортаси шаҳар ҳокими бўла олган эмас, ахир.

*Енгил атлетика*

### АМЕРИКА – МУНДИАЛДА ЕТАКЧИ

Буюк Британиянинг пойтахти Лондон шаҳрида енгил атлетика бўйича старт олган жаҳон чемпионати мусобақалари тугади.

Умумжамоа ҳисобида Америка термаси «карвонбошилик» қилди. «Сеҳрли диёр» енгил атлетикачилари ўз жамғармаларига 10та олтин, 11та кумуш, 9та бронза медалларини тўплашга муваффақ бўлдилар.

Иккинчи ўринни эгаллаган кенияликлар 7та олтин, 2та кумуш, 4та бронза медалларига эгалик қилишди. Учинчи ўринга Жанубий Африка Республикаси намояндалари (3-1-2) кўтарилишди.

Спортнинг мазкур тури бўйича «Жаҳон чемпионати-2019» турнири Қатар давлати пойтахти Доха шаҳрида ўтказилади.

*Футбол*

### ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР МУРАББИЙЛАР

ФИФА (Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси) «Мавсумнинг энг яхши мураббийси» номинацияси ғолиблигига даъвогар бўлган футбол мутахассислари рўйхатини эълон қилди.

Рўйхат қуйидаги тартибда: Массимилиано Аллегри («Ювентус» Италия), Карло Анчелотти («Бавария» Германия), Антонио Конте («Челси» Англия), Луис Энрике («Барселона» Испаниянинг собиқ мураббийси), Хосеп Гвардиола («Манчестер Сити» Англия), Леонарду Жардим («Монако» Франция), Йоахим Лёв (Германия терма жамоаси бош мураббийси), Жозе Моурино («Манчестр Юнайтед» Англия), Маурисо Почеттино («Тоттенҳэм» Англия), Тите (Бразилия терма жамоаси бош мураббийси), Диего Симеоне («Атлетико» Испания), Зайниддин Зидан («Реал» Испания).

Ўтказилиши назарда тутилган сўровда рўйхатдан ўрин олган мураббийларнинг қайси бири энг кўп овоз тўплай олса, у «Мавсумнинг энг яхши мураббийси» номинацияси ғолиби бўлади.

*«Халқ овози»нинг спорт шарҳловчиси.*




**Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.**

# ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ЙЎҚОТИЛСА...

***САВОЛ:***

- Ҳурматли редакция!

Сизнинг газетангиздаги "Сўраган эдингиз" рукни остида бериб борилаётган савол-жавоблар туркуми барчага маъқул. Ўйлайманки, қўлига газета тушган киши, албатта, унга бир назар ташламай қўймайди. Менинг ҳам ушбу рукнга бир саволим бор эди. Гап шундаки, биз ноҳиядан олис қишлоқлардан бирида турамиз. Зарурат бўлмаганлиги учун онам янги паспорт олгани йўқ экан. Биз фарзандлар бунга яқингинада аҳамият берибмиз. Эскисини ҳам тополмадик, йўқолган, шекилли. Шунга нима қилмоғимиз лозим?

*Ҳурмат билан Шодивой С., Рўдакий ноҳияси.*

***ЖАВОБ:***

- Афсуски, сизнинг онангиз билан юз берган каби ҳолатлар ҳали ҳам жуда кўпчиликни ташкил қилади. Газетамиз мухбири Тожикистон Республикаси Ҳуқуққа оид ваколатдорига матбуот конференциясида ушбу саволингиз билан мурожаат қилган эди.

Тожикистон Республикаси Ҳуқуққа оид ваколатдори Зариф Ализода ўз жавобида: - "Бундай ҳоллар ҳали ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади. Ҳатто олдинги Ҳукумат - Совет Иттифоқи паспорти билан яшаётганлар бор экан. Ҳолбуки Тожикистоннинг ўз миллий паспорти бор. Бундан ташқари, Россия ёки бошқа қўшни республикаларга у ё бу сабаб билан кўчиб кетиб, сўнгра қайтиб келганлар, келин бўлиб у ёки бу республикаларга бориб, ҳар хил сабаблар ила қайтиб келганлар орасида паспорт муаммоси ҳануз сақланиб қолмоқда. Биз бу масалада бир лойиҳа таъсис этиб, ушбу муаммо ечими устида иш олиб бормоқдамиз. Сизнинг онангиз масаласи оддийроқ, мазкур вазиятда ноҳия ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилиш керак. Улар белгиланган тартибда (зарур топилса, жарима тўлатилиб) янги паспорт расмийлаштириб беришади", - деди.

***Тожикистон Республикаси Ҳуқуққа оид ваколатдори матбуот конференцияси асосида тайёрланди.***

**ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН**

***ЭЪТИБОР НАДОРАНД***

Шиносномаи техникии гумшуда, ки онро идораи фаръии байниноҳиявии бақайдгирии техникии н. Рўдакӣ ба нишонии н. Рўдакӣ, Ҷамоати деҳоти Зайнабобод, деҳаи Адолат ба Худойбердиев Эгамберди додааст, эътибор надорад.

***

Сертификати замини наздиҳавлигӣ, ки барои 0,07 сотих мебошад ва ба шаҳрванд Эмомов Илҳом, ки дар деҳаи Ҳасанӣ, ҷамоати деҳоти Ҳасан Ҳусейнов, н. Ёвон зиндагӣ менамояд, дода шудааст, бо сабаби гум шуданаш, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Сертификати замини наздиҳавлигии № 055810-и гумшуда, ки бо қарори 184 аз 13.03. 2008 с. бо суроғаи деҳаи Ғарав, ҷамоати деҳоти Даҳанаи н. Ёвон ба шаҳрванд Шарипов Қутбиддин дода шудааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

***БАРҲАМ МЕХЎРАД***

Муассисаи давлатии маркази хизматрасонии техникӣ, ки бо РЯМ 1010000017 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Лахш 10.07.2009с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

***Рўзномаи «Халқ овози» ҳар гуна эълонҳоро бо нархҳои дастрасу арзон бо забонҳои ўзбекӣ, тоҷикӣ ва русӣ чоп мекунад. Барои ин шумо ба рақами телефони мазкур муроҷиат намуданатон лозим аст. Тел: 2-38-55-70***

**Дўстимиз Алижон Олимовнинг укаси БАҲОДИРнинг оламдан бевақт ўтганлигини эшитиб,чуқур қайғуга ботдик. Дўстимизга шундай мусибатли кунларда таъзия изҳор этиб, унинг ота- онаси ва қариндош-уруғларига сабру бардош тилаймиз. Парвардигор марҳумни ўз раҳматига олиб, жойини жаннатдан ато қилсин.**

*Бир гуруҳ дўстлари.*

**Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазирлиги раҳбарияти диққатига!**

# МАЪНАВИЙ ҚИММАТЧИЛИК…

## ЁХУД СОҲА МУТАСАДДИЛАРИ ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА ДАРСЛИК КИТОБЛАРНИНГ "ТИШ СИНДИРАР" НАРХУ НАВОСИДАН ОГОҲМИ!?.

**Ўйчи: - Шундай бўлди-я, - деб ўйлайди, фикрловчи: - Нега шундай бўлди?!. - деб қийналади…**

*Иқбол МИРЗО.*

Болажонлар қалбига олам-олам қувонч бағишлаб, янги ўқув йили ҳам эшик қоқиб келмоқда.

Ҳадемай, билим масканлари бўлган таълим муассасалари билимга чанқоқ талабалар билан гавжум бўлиб, уларнинг шўх-шодон қийқириқларига тўлади.

Умуман, фарзандларимизнинг ёшлик жўшқинлигига йўғрилган умр дафтарининг янги бир саҳифаси очилади.

Баъзиларда билимлар мамлакатига илк сафар бошланса, бошқаларида давом этади.

Зурриётларимиз қалби севинчдан ҳаприқса, ота-оналар юраги ташвишлардан безовта бўлиб, ўз оромини йўқотади.

-Болам бировдан кам бўлмасин, - деган ақида уларни ўз ёғига ўзини "қовуртиради"…

Ўқув қуроллари ва дарсликлар сотиладиган расталарни айланиб юриб, икки нафар аёлнинг суҳбатига гувоҳ бўлдим:

-Қўшни, болаларга китоб-дафтар олдингизми?- деб сўради бирови.

-Қайдам, китобфурушнинг растасига яқинлашинг, оғзидан "олов чиқади". "Отасининг нархини" қўйган. Тўрт боланинг қайси бирини буташни билолмай, бошим ҳам қотиб қолди…

Менда ўқув қуроллари ва дарслик китоблар қиймати билан қизиқиш истаги пайдо бўлди.

Ўқув қуроллари ёйиб қўйилган растага яқинлашиб, олти донали пластилиннинг нархини сўрадим:

-Ўн сомоний, - дея жавоб берди ўз юмушлари билан андармон бўлган сотувчи аёл.

-Бу неча пул?- сўрадим 24 варақли албомни қўлимга олиб.

-Саккиз сомоний…

Рости гап, сотувчининг жавоблари менга малол келди.

Ахир, рангга бўялган лойнинг бир бўлакчаси 1,6 сомонийдан ортиқ, албомнинг бир варағи 33 дирам турса, ёмби топган бой бобонинг ҳам жиғибийрони чиқади-да.

Битта 48 варақли умумий дафтар 4 сомоний…

Бозор айланиб юриб, кўрганларимнинг "ҳолва" эканлигига имон келтирдим.

Биринчи синф учун мўлжалланган "Алифбе" дарслик китоби 20, машқ дафтари эса, 7 сомонийдан сотилмоқда. "Математика"си 25, машқ дафтари 4 сомоний…

Негадир асабийлаша бошладим. Фарзандларининг рус тилида таълим олишини истовчи ота-оналар сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани боис, рус тилидаги дарсликлар томон юзландим. Бу йил 5-рус тилида таълим бериладиган синфга қатнайдиган набирасининг дарслик китоблари "тақдири" билан қизиққан бобонинг савдосини кузатдим.



"Адабий ўқиш" дарслиги - 45 сомоний… Биласизми!?. Кўзимдан ўт чиқиб кетди, назаримда.

Тишини тишига босиб (менга шундай туюлди), қолган "Математика", "Биология", "Қадимги дунё тарихи" ва ҳоказо китобларнинг "қадри"-ни сўради. Ёппасига 35 сомонийдан…

Нафсиламрини айтганда, ўқув қуроллари ва дарслик китоблар ўз таннархидан 2-2,5 баравар қиммат нархда айтилмоқда…

Суҳбатига гувоҳ бўлганим, тўрт нафар фарзанди таълим муассасасида рус тилида таҳсил оладиган аёлнинг аҳволига жуда ачиндим.

Ахир, бир синфга саккизта дарслик китоб лозим бўлса, 300 сомонийнинг нари-берисидаги маблағ талаб қилинади. Тўрт нафар ўқувчининг фақат дарслик китоблари учун 1200 сомоний керак бўлади.

Ҳали ўқув қуроллари, сумкаси, пойафзали, мактаб формаси нари турсин!!!

Тўрт нафар болани ўқув йили бошида мактабга жойлаб саранжом-саришта қилиш учун 3,5-4 минг сомоний урвоқ ҳам бўлмайди.

Китобжаллоб қиёфасига кириб, сотувчи жувонга мурожаат қилдим:

-Шу китоблардан олиб келсам, нечтадан ва қанчадан оласиз?

-Керак эмас, одамимиз бор, - дея пўнғиллаб берди.

Демак, ўша одамлар кимлар!?. Сотувчиларнинг ҳам, уларнинг ҳам дарслик китоб нашр қиладиган босмахонаси йўқдир, албатта.

Пировард натижа шуни кўрсатадики, ўғирлик бўлган бу китоблар қаердан сотувчилар қўлига келиб тушади?!.

Китоб ўғриларининг фаолият жараёни қандай кечади?!.

Нега Турсунзода шаҳри бозоридаги бундай нохуш ҳолат, давлатнинг "суянган тоғи" бўлган шаҳар маориф ва илм, стандартлаш ва лицензиялаш, монополияга қарши хизмат, солиқ назорати сингари бўлим, идора ҳамда ташкилотлар мутасаддиларининг эътиборини тортмайди?

Мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиладиган муштарак рейдлар қани?!.

Афсуски йўқ… Тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарларининг парвойи фалак бўлса, бу тартибсизликлар учун ким жавоб беради!?.

Ўзи - хон, кўланкаси майдон бўлган китоб жаллобларининг мушугини ким "пишт" дейди?..

Ахир, давлатимиз бошлиғи, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси -Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ўзининг ҳар чиқишида ижтимоий ҳаёт соҳаларини мунтазам тартибга солиб бориш, жонажон Тожикистонимиз ривожу равнақининг асосий омилларидан бири эканлиги ҳақида бот-бот куйиниб гапирмайдими!?.

Миллат пешвосининг элу юртимиз порлоқ келажагини кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсатини қўллаб-қувватлашга бўлган муносабат шуми?!.

Хитойлик донишманд Лао Цзининг шундай панд-насиҳати бор: -Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин. Сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил. Чунки тартиб ҳамма нарсанинг мажмуасидир. Табиатнинг мавжудлиги асосида ҳам тартиб ётади.

Аслида китобнинг нарху навосига бўлган совуққонлик фуқароларнинг бадиий адабиётдан йироқлашиб, маънавиятимиз тобора қашшоқлашиб боришига сабаб бўлмоқда.

-Одамлар китоб ўқимай қўйди, - деб дунёга жар соламиз. Бу ёғи эса, ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Сен менга тегма, мен сенга тегмай…

Маънавий дунёмизда юзага келаётган қимматчиликнинг натижаси ёмон оқибатларга олиб бориши, шубҳасиз.

Ёмон оқибат - бу маънавий қаҳатчилик. Маънавий қаҳатчилик ҳар қандай миллатни мислсиз кўргуликларга дучор қилиб, бошига не-не кулфатларни солиши, ҳеч гап эмас…

Маънавий қаҳатчиликдан эса, Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!..

*Абдуҳафиз МИРЗААҲМЕДОВ, "Халқ овози"нинг махсус мухбири.*

**Қаҳрамон замондошларимиз**

Инсон қаҳрамон бўлиб туғилмайди. Йиллар давомидаги дуруст тарбия уни қаҳрамон қилиб вояга етказади. Юрагида Ватанга, халққа, инсонга меҳру муҳаббати кучлилар қаҳрамонона амалларни содир этишга қодир бўладилар…

# БАХТОВАРНИНГ ЖАСОРАТИ

## ЁХУД ЖОНФИДО АСКАРНИНГ ЭЗГУ АМАЛИ ҲАҚИДА

Бахтовар Азимов мустақил Тожикистонимизнинг ор-номусли йигитларидан бири эди. У ўз ихтиёри билан жорий йилнинг баҳорги чақириғи пайтида ҳарбий комиссариатга келди. Она-Ватанга хизмат қилиш истагини оқ, оппоқ қоғозга ёзилган ариза да баён этди.

Ҳарбий комиссариат ходимлари юрагида Ватан ишқи ёнган бу йигитнинг аризасини қабул қилишди. Тиббий кўрикдан ҳам муваффақият билан ўтди. У ҳам руҳан, ҳам жисмонан ҳарбий хизматни ўташга лойиқ, деб топилганди. Бахтоварга тенгқурлари қаторида ҳарбий хизматга жўнаш имконияти чексиз қувонч бағишлаганди…

Ўша машъум кунгача Бахтовар Азимов Тожикистон Республикаси Миллий хавфсизлик давлат комитетининг Чегара қўшинлари ҳарбий қисмида тўрт ой ҳарбий хизматни ўтади…

Жорий йилнинг 4 августи. Ўша куни ҳаво ниҳоятда иссиқ эди. Сомониён қишлоғининг гўдаклари эрталабки соат 8-9ларда, аллақачон, лиммо-лим тўлиб оқаётган канал ёнида ўсган азим чинорнинг соясига тўпланишганди. Саратон қуёшининг ўткир нурларидан қочган болалар катта дарахт соясида бўлишларига қарамай, кўзларини каналнинг муздек зилол сувидан узолмас эдилар.

Каналнинг у томонидан хўжаликларнинг экин майдонлари, ундан-да нарироқда эса, қишлоқнинг пода боқиладиган даштлари ястаниб ётарди. Худди шу жойда канал устидан кўприк қурилган бўлиб, унинг нариги четида ҳарбий қисмнинг назорат пункти жойлашган.



Ўша куни назорат нуқтасида ҳарбий қисмнинг аскарлари Бахтовар Азимов ва Ҳаитбой Жалиловлар навбатчилик қилишарди. Ўз ҳарбий бурчларини садоқат ва зийраклик билан ўтаётган бу икки ёш аскарнинг диққатини қишлоқ болаларининг ўйинлари, уларнинг самимий қувончлари тортмай қолмасди, албатта. Эҳтимол, мустақил юртимизнинг бахтиёр болаларини кузатиб, аскарлар ўзларининг беғубор болаликларини эслаган бўлишса. Ҳар ҳолда улар ўзларидан 20-25 қадам узоқдаги болаларга ондасонда кўз ташлаб қўйишарди. Ўйинқароқ болалар орасида 11 ёшли Меҳрубон ҳам борлигини улар ўша лаҳзада билишмасди…

- Бобо, бобожон… - ёш боланинг хавотирли ёрдамга чорлаган овози аскарларнинг диққатини тортди. Улар кўприк тепасига чопиб келишди. Каналнинг ғалаёнли суви болакайни бағрига олиб, аллақачон, кўприк тагидан олиб ўтаётганди. Кўпириб оқаётган сувда унинг боши гоҳ кўринар, гоҳ сув тагида кўринмай қоларди. Буни кўрган Бахтовар Азимов ҳеч иккиланмай, ўқдонни белидан ечиб, устига автоматини қўйиди-да, ўзини каналга отди. Каналнинг ҳаётбахш суви қонсирагандек эди. Зудлик билан болани тўлқинлар гирдобидан тортиб олган Бахтовар уни соҳил сари улоқтирди. Чунки Панж дарёсининг муздек сувида кийимлари оғирлашиб, сузиш тобора мушкуллашаётганди. Бахтовар соҳилга томон яқинлаша олмади. Уни кўпириб оқаётган дарё суви ўз комига тортаётганди. Хизматдоши Ҳаитбойнинг уни қутқаришга уринишлари зое кетди. Ўша лаҳзаларда каналда ғалаён кўтариб оқаётган сув ўн гулидан бир гули очилмаган Бахтоварнинг жонига қасд қилган кўринарди. Ҳодисадан хабар топиб, бу ерга етиб келганлар ҳам иложсиз эдилар. Бахтовар сув юзида кўринмас, қонхўр дарё унинг танасини ўз комига тортганди…

Бу шум хабар тезда Мир Саид Али Ҳамадоний ноҳияси раиси А. ВаЛизодага етиб келди. Раис вилоят раиси Д. Гулмаҳмадзода ҳамда тегишли органларни бу воқеадан воқиф этиб, ҳодиса жойига етиб келди. Зудлик билан таъсис этилган штаб аъзолари ва Сомониён қишлоғи аҳли Бахтоварнинг жасадини излашга тушдилар. Вилоят раиси Д. Гулмаҳмадзода топшириғи билан канал суви қуритилди. Канал ичи уч марта қайта-қайта кўздан кечирилгач, кечки соат тўртларда Бахтоварнинг жасади қумлар орасидан топилди…

Оддий аскар Бахтовар Азимовнинг жўмардларча рафтори, унинг кўрсатган қаҳрамонлиги барчанинг олқишу таҳсинларига сазовор бўлди. Қаҳрамон аскарнинг жасади ҳарбий оркестр кузатувида туғилиб-ўсган жойи – Кўлоб шаҳрига келтирилди ва тупроққа топширилди.

- Мен деярли ҳар куни аскарларнинг ёнига борардим, улар билан ҳазил-мутойиба қилардим, - деб эслайди ўша машъум кунни 90 ёшли Рамазон Назаров. – Бахтсиз ҳодиса юз берган ўша кун эрталаб аскарлар ҳолидан хабар олдим. Уларга ўзим учун аскарлик шими топилмайдими, деб ҳазиллашдим. Кейин уйга келдим. Бир пайт неварам чопиб келиб, ўзининг сувга тушиб кетганлиги ва аскар бола уни қутқарганлигини ҳаяжон билан сўзлаб берди. Шошилиб ҳодиса жойига етиб келдим. Афсуски, кечиккандим. Шундай жасур ва меҳрибон фарзандни тарбиялаб, вояга етказган ота-онага минг раҳмат. Ўша жонфидо аскарни неварам - Меҳрубонни ўлимдан қутқарганлиги учун бағримга босиб, юзларидан ўпа олмаганлигимдан қайғуга ботаман. Кеча-кундуз унинг ҳақига дуо қилишдан ўзга иложим йўқ. Аллоҳнинг марҳамати Бахтоварга насиб айласин…

Ҳа, Бахтовар Азимов Ватан, элу юрт олдидаги қасамига содиқ қолди. Ўз жонини фидо айлаб, ўзга инсонни ўлимдан нажот берди. Бахтовар Азимовнинг бу қаҳрамонона амали мустақил юртимиз ёшлари учун ўрнак бўлишга арзийди. Эзгу амалларнинг умри боқий бўлади!

***Т. ИБРОҲИМОВ, И. МАҲМАДАЛИЕВ, Мир Сайид Али Ҳамадоний ноҳияси.***

# Санкт-Петербургдан хушхабар

Россия Федерациясининг иккинчи пойтахти саналмиш Санкт-Петербургдан мумтоз қўшиқлар куйловчиси, Маданият вазирлигининг маданият ва ахборот бўйича тадқиқотчиси Мурод Эшонқуловнинг санъатшунослик илми номзоди бўлганлиги ҳақидаги хушхабар келди.

Бу борада Россия Федерацияси Маориф ва илм вазирлигининг жорий йил 22 июнида 625/НК рақамли «Илм номзоди унвонини бериш тўғрисида»ги фармони чиққан.



Мурод Эшонқулов ўзининг номзодлик рисоласини «Мақом санъати системасида миллий чолғу асбоблари» мавзусида Санкт-Петербургнинг «Российский институт истории искусств»(«Россия санъатлар тарихи институти») Кенгаши қошида 2016 йилнинг 14 декабрида ҳимоя қилган эди.

Бир минг тўққиз юз эллик олтинчи йили Деваштич ноҳиясида таваллуд топиб, вояга етган Мурод Эшонқулов 1980 йили Садирхон Ҳофиз номли Хўжанд мусиқа билим юртини, 1985 йили эса, М. Турсунзода номли Тожикистон Давлат санъат институтини битирган. Илк иш фаолиятини олийгоҳ йўлланмаси билан Тожикистон Ҳукумати қошидаги Телевидение ва радио комитетининг «Шашмақом» ансамблининг танбурнавозлар гуруҳида бошлади. 1992-2004 йиллар орасида санъат олийгоҳи анъанавий мусиқалар кафедрасида танбур устаси ҳамда Талабшо Сатторов номли миллий консерваторияда чолғучилар кафедраси катта ўқитувчиси вазифаларида ишлади.

Маданият аълочиси, бир неча таълим дастурларига оид китоблар муаллифи Мурод Эшонқулов 2017 йилдан буён Маданият вазирлигида маданият ва ахборот бўйича тадқиқотчилик билан шуғулланиб келмоқда. Биз мухлислар у кишининг Санкт-Петербургда эришган муваффақияти билан самимий муборакбод этамиз. Миллий санъатимиз ривожу равнақида жуда кўп хизматлар қилиб, юксак унвонларга эришишига ишончимиз комил.

*Умар АЛИ.*

**ҲАЛҚ ОВОЗИ**

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ. Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке. Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель: Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

**Бош муҳаррир Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА**

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

**Таҳрир ҳайъати:**

*Раҳмон Озода ЭМОМАЛИ*
*Абдужаббор РАҲМОНЗОДА*
*Давлатшоҳ ГУЛМАҲМАДЗОДА*
*Абдураҳмон ҚОДИРИЙ*
*Шодихон ЖАМШЕД*
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. А. Саидов. (1-4 саҳ.)*
*2. Ҳ. Боев. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: Ҳ. Боев.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru

Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 23 август соат $15^{30}$ Тиражи 5417 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.